



№ 3 (2572) - son

Ishonch

Insonga naf
keltirish – oliy baxt

2009-yil

P J Sh Ya D S Ch P J Sh Ya D S C h P J Sh Ya D S C b P J Sh Ya D S Ch P J Sh

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31

Yanvar



Йигит
омон
бұлса,
хавфу-
хатар йўқ,
Килич
бор, қалъа
бут, қўрғон
саломат.



3-бет

Рашид ГАЛИЕВ (ЎзА)
олган суратлар

A НОНС



Түрткүл
ҳақида ривоят

5-бет



Сўраган
эдингиз...

6-бет



Довул
шиддати

11-бет



Профи-бокс:
ютуқ ва муаммолар

14-бет

**Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли
Кучларига фуқароларнинг навбатдаги
чақириви ҳамда муддатли ҳарбий
хизматнинг белгиланган муддатларини
үтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни
хизматдан бўшатиш тўғрисида**

«Умумий ҳарбий маҷбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунинг мувофиқ:

1. Чакирилиш муддатини кечикириши ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чакириув ёшидаги фуқаролари 2009 йилнинг феврал-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чакирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чакирилиш муддатини кечикириш ва чакирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бирор ушбу чакириув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чакирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чакириви резервига олинсин.

2. 2009 йилнинг март-апрел ойларида муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар, шунингдек истисно тариқасида, 2008 йилнинг куз мавсумида муддатли ҳарбий хизматга чакирилган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Коғиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент шахри,
2009 йил 6 январ



Республика нафис санъат лицеи иқтидорли ўғил-қизларни тарбиялайдиган маскан хисобланади. Айни пайтда бу ерда 1189 нафар ўқувчи 6 та йўналиш бўйича таълим ола-япти. Яқинда ушбу масканда янги йилга бағишиланган арча байрами бўлиб ўтди. Корбобо ва қорқиз иштирокидаги қувноқ давра йиғилганлар қалбига хурсандчилик баҳш этди. Айниқса, ўқувчиларнинг тури эртак қаҳрамонлари қиёфаси-га кириб, кизиқарли томоша намойиш этиши ҳақиқий байрамона кайфият улашди. Шунингдек, Муқимий номидаги мусиқали драма театри актёлари ва таникли санъаткорлар таширифи ўқувчиларга яхши тухфа бўлди.

Суратда: тадбирдан лав-халар.

**Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар**

Бизни писанд қилганларга мини бора қуллук!

Обуна бир томондан ўқувчининг йил давомида газетани узлуксиз олиб турининг, иккинчидан эса таҳририят фаолияти барқарорлигининг кафолати хисобланади. Шу маънода мухлисларнинг 2009 йил учун «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ёзилиш кўрсаткичи кўнгилни тўқ килиб ишлашимизга имкон беради. Бунда жойлардаги касаба уюшма ташкилотларининг хизмати катта.

Айниқса, обуна мавсумида фаоллик кўрсатган касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашларининг газетамизга хурматидан қувондик. Жумладан, Қашқадарё вилоятида (кенгаш раиси Э. Ражабов) «Ishonch»га 2503 нусха, «Ishonch-Доверие»га 247 нусха, Навоий вилоятида (кенгаш раиси Н. Хўжакулов) «Ishonch»га 861 нусха, «Ishonch-Доверие»га 205 нусха, Фарғона вилоятида (кенгаш раиси А. Юнусов) «Ishonch»га 1817 нус-

ха, «Ishonch-Доверие»га 346 нусха обуна бўлинганини эътироф этиш жоиз. Тармоқлардан эса Таълим ва фан (МК раиси Н. Акбаров), Ёқилиг-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология (МК раиси А. Фуломов), Алоқа (МК раиси Т. Назаржонов), Темирйўлчилар ва транспорт курувчилари (МК раиси К. Собиров), Соғлиқни сақлаш (МК раиси О. Мухитдинова), Давлат мусассалари ва жамоат хизмати (МК раиси Ж. Алимхўжаева) ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашлари тизи-

миди обуна яхши йўлга кўйилди.

Бундай эътибор ва кўмакка жавобан жорий йилда мазкур вилоятлар бирлашма кенгашларининг табрик ва эълонларини газетамизда бепул чоп этишга қарор килдик.

Афсуски, бу борада сусткашликка йўл кўйган вилоятлар ҳам бўлди. Ҳусусан, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларидаги обуна натижасидан кўнгил тўлмади. Ушбу вилоятлар касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари ҳам илфорлардан ибрат олади деб умид киламиз.

**2009 йил — Қишлоқ тараққиёти
ва фаровонлиги йили**

Тадбиркорга ташаккур

Фиждуонлик тадбиркор, Голиб Туробов Фришкент қишлоғидаги 6-мактаб ўқувчиларидан 150 нафарига совга улашди. 9 нафар кам таъминланган оила фарзандларига қишики кийим-бош тақдим этди. У узоқ йиллардан бўён ўзи таълим олган мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларнинг холидан хабар олиб туради. Уч йилдирки, 1-синф ўқувчилари ўртасида таъсис этган «Энг иқтидорли ўқувчи» танлови голибларини мукофотлайди.

— Тадбиркор F. Туробовдан мамнунмиз, — дейди мактаб бошлангич касаба уюшма қўмитаси раиси Абдурашид Шарипов. — Байрамларда кам таъминланган оила фарзандларига тўкин дастурхон тушиб, ўқув қуроллари, кийим-кечаклар ҳадя этади. Яқинда 30 нафар ана шундай ўқувчимиз номига банкда ҳисоб рақами очиб, уларнинг омонат дафтарчаларига 2 миллион сўм маблағ кўйди.

Сахий тадбиркор Голиб Туробовга 66 нафар ўқитувчи ва 748 нафар ўқувчидан иборат мактаб жамоаси ҳамда ота-оналар ташаккур айтмоқдалар.

**Иzzатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири**

Ислоҳот — инсон учун

Республикамиздаги йирик тўқимачилик корхоналарига хориж инвесторларни жалб этиш, соҳани замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш натижасида Андикон вилоятида фабрикалар ривожланиб бормоқда.

Вилоядаги «Олтинкўлтекс», «Самошертекс», «Миматаштекстил», «Асакатекстил» сингари корхоналарда ишлаб чиқарилиган маҳсулотлар ва ходимларга яратилган шароит тубдан яхшиланди. Энг асосийси, қишлоқларда яшайдиган хотин-қизлар муқим иш ўрнига эга бўлдилар.

Яқинда иш бошлаган «Марҳамат иш йигирив-тўқув» очик акционерлик жамияти ҳам энди ўз маҳсулоти билан хориж бозорларига чиқиш имконига эга бўлди.

Корхона аслида бундан 30 йил аввал иш бошлаган бўлиб, бу ерда ишлаб чиқарилиган маҳсулотлар буғунги кун талабига жавоб берга олмасди. Давлат дастурига биноан

дан амалга оширилди.

Корхона тўлиқ қувват билан ишлаганда йилига 2,5 минг тонна кала-ва ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади. Маҳсулотларнинг 80 фо-

ходимларга яратилган шароит мактаса арзигулик. Замонавий чангютгичлар цехларнинг доимо тоза, фуборсиз бўлишини таъминлайди. Янги ходимлар «Асакатекстил»да 3 ой таъриба ортиригани боис янги технологиялар билан ишлашда ҳеч қандай муаммо йўқ, — дейди енгил, мебел саноати ва коммунал майший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Андикон вилояти бўйича вакили Бахтиёр Жўраев.

2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ёълон қилиниши юртимиздаги кўплаб худудларга саноатни келтириш ва шу йўл билан қишлоқларимизнинг гўзал масканга айланисига хизмат қиласди.



**Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири**

Маҳсулотлар — экспортга

фабрика деярли қайтадан бунёд этилди. 2 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилиб, қисқа фурсатда замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди. Курилиш ва барча техник жараёнлар «Ангел» корхонаси мутахassisлари томони-

зи экспортга чиқарилади. Кувонарлиси, қишлоқ ахолиси учун яна 300 та муқим иш ўрнлари яратилган.

— Фабрика ишга тушишидан олдин бу ерда бир неча бор бўлиб, хавфсизлик техникаси бўйича фикримизни билдирганмиз. Шу боис



Йигит омон бўлса, хавфу-хатар йўқ, Килич бор, қалъа бут, қўргон саломат.

Фафур ГУЛОМ

Бугунги кунда Куролли кучларимиз сафида катта ўқчи сифатида йигитлик бурчини ўтаётган оддий аскар Сардор Давлатов Сурхондарё вилоятининг Жарқўргон туманида таваллуд топган. Мактабда ўқиб юрган даврида ҳам илгорлар сафида бўлган.

■ Аскар уйга қайтди

Эр ЙИГИТ

Болали гида н
спорт билан мунтазам шуғулланган бу йигит тури мусобакаларда бир неча бор шоҳсупанинг энг юқорисига кўтарилигинин таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, каратэ бўйича туман миқёсида ўтказилган мусобакада биринчи ўринни кўлга киритган бўлса, миллий кураш ва кикбоксинг бўйича туманда иккинчи бўлган.

Спорт машгулотларида обдон чиникан йигит кўп жабхада сафдошларига ўрнек бўлди. Ҳарбий хизмат унинг тафаккурини бойитди.

— Армияда кўп нарсани ўргандим, — дейди Сардор Давлатов. — Бу келгусида ҳам менга аскотишига ишонаман.

— Оддий аскар Давлатов ҳар томонлама чиникан аскарларимиздан, — дейди офицер Дилмурод Фойипов. — У ҳеч қачон эришган ютуқлари билан кифояланиб қолмайди, янги янги мараларга интилади. Шу боис мудом изланишида ва командирлар эътиборида.

У яқинда олий ўкув юртига кириш имтиёзини берувчи тавсияномага эга бўлди.

Келажакда Тошкент темир йўллар институтига ўқишига кириб, транспорт соҳаси бўйича мамлакатимиз учун керакли мутахассис бўлишига аҳд қилган қаҳрамонимизнинг орзулари бисёр. Аминмизки, уларга эришиша ҳаёт мактабида олган сабоқлари катта ўрдам беради.

АБДУЛЛОҲ Н.

ЎҒЛОН

**Ватан тараққиётiga замин
хозирлайдиган, уни жаҳон
саҳнасига олиб чикадиган энг
улкан кўч ёшлардир. Шу боис
юртимизда ёш авлоднинг
таълим олиши, истеъодини
юзага чиқариши, униб-ўсиши
йўлида катта ишлар амалга
оширилаётir. Ёшларимиз ҳам
бундай ғамхўрликка жавобан
ишончни оқлашга интилаётга
ни қувонарлидир.**

нидаги туризм коллежини тамомлаган йигитнинг ҳаётга муносабати анча ўзгарган эди. Ўқишиндаги бўш вақтлари тинмай изланади, фанларни пухта ўзлаштиришга, мунтазам спорт билан шуғулланишга ҳаракат қиласди. Табиийти, қатъиятли ўғлоннинг бу изланишлари бесамар кетмади. Коллежни битириш арафасида у армияда хизмат килишга ҳар жихатдан тайёр эди.

Тенгдошлари ичида биринчилардан бўлиб муддатли ҳарбий хизматга отланган Суҳроб ҳаёт мактабида ҳам ўзини наимён эта олди. Унинг илгорлар қаторидан жой олишига, хизмат машҳақатларини марданавор енгиги ўтишига, командирлари назарига тушишига коллежда қунт билан олган сабоқлари, шунингдек, ҳалқаро тоифадаги спорт устаси, бокс бўйича кўп карга Ўзбекистон ва Осиё чемпиони Акмал Арс-

лоновдан ўрганганлари кўл келди. У қисм миқёсида ўтказилган енгил атлетика мусобакаларида (югуриш) биринчи бўлди, факат энг фаол ва билимли аскарларга насиб этадиган тавсияномага муносаб топилди. Шункорнинг таъкидлашича, армияда олган билимлари, айнича, командирлари — офицер В. Пўлатов, кичик сержант И. Каримовлардан ўрганганлари унга келгусида ҳам аскотишига ишончи комил.

Ҳозир Тошкент давлат техника университети кончилик факултетининг 1-курсида таҳсил олаётган йигит илик кунларданоқ фаол талабалар сафида. Машгулотларга ҳаммадан илгари етиб келиб, тайёр гарлик кўриб ўтирадиган, берилган топширикларни ўз вақтида адо этиб, сабоқдошларига ўрнак бўлаётган қаҳрамонимиз ҳақида устозларининг фикрини сўраганимизда, барчаси табассум билан: «Барбири хизматда тобланган йигит бошқача-да», — деба эътироф этишиди.

Эндинга биринчи курс талабаси бўлган Суҳроб Азизовнинг мақсадлари талайгина. Айни дамда унинг энг биринчи вазифаси университетда мукаммал сабоқ олиш, унга билдирилган юксак ишончни оқлашдан иборат.

Жамшид НИЁЗОВ

ташлаб, сўнг сўрабди:

— Энди айт! Қаерда душманим макони?

— Айни кўнглимдаги ишни қилдинг,

— дебди чўпон кўзларидан оқаётган ёшни енглари

бисер ошкор этган

бўларди. Энди мени ҳам ўлди-

равер! Лекин сенга юртимни ёёқости

қилдириб қўймайман.

Момом ривоятнинг шу ерига келгандага оғир хўрсиниб қўяркан, тинмай сўрайверардим:

— Айтинг, ўша душманбоши чўпонни ҳам ўлдирибдими? Юртни душманлар босиб олибдими?!

Момом индамай бошимни силаб қўяркан... юзимга кўз ёшлар оқаётгани сизиб қолардим.

Эсимни танигач, шунга ўхшаш ри-

воятни шоир Хуршид Давроннинг «Ватан ҳақида етти ривоят»ида ўқидим. Мен ўшанда чўпонни ёмон кўрардим: «Бобо ҳам ўз набирасини ўлимга ҳукм қиладими?», — дердим. Балки бола кўнглим ўсмир тарафини олгандир...

Кейинчалик, ҳалқ-

бўлмагандан, биз озодликнинг мусафо ҳавосидан нафас оларидик? Менинчама, йўқ. Ҳар қандай улуғликка ўркан синовларни бошдан кечирибигина етишиш мумкин.

Миллатимиз оғир синовларни босиб ўтди, шукурки, эрки ўз қўлида. Бироқ...

Бир танишимга мустақиллик қадри ҳақида сўз очсан, шу тариқа жавоб берди: «Ука, сафсатабозликни кўй-да, бундан кўра қандай қилиб кўпроқ пул топиш ҳақида гапир».

Асабарим қаҳшаб кетди-ай: Эрк сенга сафсатабозлик бўлдими? Агар шу мустақиллик бўлмагандан, еб-ичишдан фами йўқ, кўлмак ичидаги «тилла ба-лиқча»га айланиси қолмасмидинг?!

Бу саволлар борлиғимни қуюн ичига итариб юборди. Буюк немис шоир Гётеда шундай сатрлар бор: «Ҳақиқатни доимо тақрорлаб туриш лозим. Чунки бизга адашишини доимо тақрорлаб туришади». Ҳа, биз ўз эркимизни кўлдан бермаслигимиз лозим! Зотан, бу Улуғ Йўлда бир-биримизни кўллаб-куватлаб, мустақиллигимизни химоя қилиш ҳам инсонлик, ҳам фуқаролик бурчимиздир.

Адҳам АРСЛОН

**Накадар тотли
Сўз
озодлик**

парвару ҳақпарвар адаб Шукур Холмизраевнинг (охирати обод бўлсан) «Қора камар» драмасини ўқидим... «Яша, шуро!» кўшигини айтгани учун ягона ўғлини ўлимга ҳукм қилган ота — Ҳуррамбек образига дуч келдим. Яна ўша савол қалбимни ўртай бошлади: ота ҳам ўз боласини ўлимга ҳукм қиладими?! Нима сабабдан?

Бу савол мени ўйга толдирди. Анча ўтиб унга жавоб топгандек бўлдим: ОЗОДЛИК учун! Фақатгина ЭРК учун!

Агар чўпонлару ҳуррамбеклар

Ваъдага вафо қилмоқ – марднинг иши

Жасон

Рус ёзувчиси Николай Тихоновнинг «Лаҳза» деган ҳикояси бор. Уруш ҳақида. Унда кўрқоқлик ва жасорат орасидаги энг қалтис лаҳза мөхияти очиб берилган. Йигирма йилча олдин бу асарни ўқиб илк бор урушга боргандарнинг ҳаммаси ҳам бизга совет тарғибот машинаси тинимсиз уқтирганидай ботир бўлмаганлигини англаганман. Валентин Распутиннинг «Омон бўлсанг унутма» қиссаси эса бу борадаги фикримни янада мустаҳкамлади.

Тан олиш керак: дунёда инсондан кўра азизу мукаррам ва... тубан жонзорот йўқ. Бунга истаганча мисол келтириш мумкин. Абдулла Ориповнинг «Сен ўзингсан энг сўнгги нонин ўзи емай ўғлига тутган...» ёки «Шундайлар бўлмаса агар дунёда бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл» деган сатрларини, ўлмас Умарбековнинг «Қиёмат қарз» асари қаҳрамони Сулаймон отани эсланг. Бундай одамлар азизу мукаррам бўлмаса тоғлар ерпарчин бўлиб, дарёлар тескари оққани маъқул эмасми?

Ҳайвондан ҳам тубан одамларга келсак, орамизда бировнинг кулфатидан қувонадиганлар, педофиллар, етимнинг ҳақидан ҳазар қилмайдиганлар йўқ дейсизми?

«Ishonch»нинг ўтган пайшанба сонида Умид Яъкубовнинг «Сен ёнмасанг, мен ёнмасам...» мақолосини ўқиб, шулар ҳақида ўйладим.

«Хикмат излаганга ҳикматдир дунё...». Жасорат кўрсатиш учун урушда қатнашиш ёки ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларда бўлгани каби вино ишлаб чиқарип унга «Жасорат» деб ном қўйиш шарт эмас. Киши ўзига раво кўрмаган нарсани ўзгага ҳам раво кўрмагаса, ўйнаб гапирса ҳам ўйлаб гапирса, ваъдасига вафо қилса кифоя.

Ҳасан НИШОНОВ

Ҳазрат Навоийдан ўтказиб бир нима демокийин.

Аммо... ваъда(бозлик) турмуш тарзимизда жуда жўнлашиб бораётгани, одамлар Сўз Кучига ишонмай қўйганлиги, тил вадил ўз-ўзидан узоқлашиб бораётгани, алҳол бани башар ўз сўзига... Ўз олдида... жавоб бера олмай қолаётгани ҳақида ўйларканман, ҳаёл тубсизлик томон от солади: бу – Таназзул даракчисимикан?.. Бу кетишда бориб-бориб лафзизлик одатий ҳолга айланармикан?.. Наҳотки, ҳар қандай келишувни хотариал идора орқали тузиша мажбур бўлсак!..


«Бизнинг оиласдан лафзизлик чиқиши менга маъқул кўринмайдир...».

Ваъдага вафо қилишни Кумуш фожиасидан ҳам устун қўйган Юсуфбек хожи ўтган асрда колиб кетдими? «Айтган сўзингга аввало ўзинг амал қил!..» деган жавонмардлар-чи?.. «Иймон – сўз ва амал бирлиги» ҳадисини яашаш тамойилига айлантирган боваларимиз-чи?!

Орадан бир эра ўтганга ўхшайди-я...

«Мулланинг айтганини қил-у, қилганини қилма» деб, ҳиринглаётгандар тўртта одам олдида «гапимга жавоб бераман» деб хўрзланиб, сўнг дўппи сал тор келса қуённинг расмини чизаётган... лафзизликдан кўра бир парча нонни устун қўяётган...

«Вафосизда сўз ўз, ғада ғада вафо ўз...»



бу авлод кимдан тўради ўзи?!

«Тилга чиқсан фикр – ёлғон» дейишади. Йўқ, унга фақат таъма аралашши мумкин, холос. Колаверса, «энг муҳими – кўнгилдаги» деганлар ҳам адашади: таш – ичнинг ойнаси, ич – ташнинг инъикосидир.

Нега булбулнинг индиек ишхона низомидаги битта бандни бажармасликдан чўчиймизу, Сўзга хиёнат қилишдан заррача ҳайқамаймиз?!

Одам ҳаммани алдаши мумкин, бироқ ўзидан қочиб ҳеч қаёққа бора олмайди. Шундай экан, ёлғонлар ҳам вактинча. Бироқ танлаш имконияти чорраҳасида ҳайрон турган одам бир куни босган ўллари хато эканлигини англаб қолгандан кўра, азоб ва қийинчиликлар кўлмагидан ўтиб боражак Ҳаловатгоҳга бир сония бўлса-да, илгари етишган маъқул эмасми кан?.. Ахир, барчаси синовеку! Тўғрими?!

Умид Яъкубов

АБДАУЛАЕВ



Асарлари назарга тушган адаб шахси ҳам ётиборда бўлади. Сўзи адабнинг ўзи! Ўзи адабнинг сўзи. Юлдузи онларда бу ўзликнинг басират кўзи очилади. Кўзи чарақлайди. Лекин ўзи билан сўзи иккى кутб эканларни кўриб, ёқа ушлайсан. Азалий Қонун ўзгариб, сўз вақтинча алдаш ва вақтдан ютиш учун изғиб юрган фирибгар бўлдими? Ёлғон, ёлғон, фақат ёлғон сўзлана-веради... Алдёвлар ошкор бўладиган кун – Қиёматда бир-биримизнинг юзимизга қандай қарап эканмиз? Кўзимиз кўзимизга тушганда, чехрамиз ёриша оладими?!

Тоғай Мурод ростгўй эди. Хато бўлса-да, дилидагини тилига чиқарувчи эди. Мехрини ҳам, нафратини ҳам тап тортмай билдиргувчи эди. Бу асарларининг ҳароратидан сезилади.

Адаб, аввало, сўзида туриши керак. Сўзга муносабати унинг шахсига ойна. Шоир Шукур Курбоннинг бир хотираси ҳеч эсимдан чиқмайди. «Мен Тоғай билан шаҳарнинг бир чеккасидаги ижараона эшиги олди-

Каймогли

Юракдаги

да кечга яқин учрашмоқчи бўлдим. Аммо боролмадим. Вой, бу Афандини... Балки Шукур келиб қолар деб ваъдалашган жойимизда тонггача мени кутибди.

Радиода ишлаб юрганимда Шукур акага таклиф қилдим:

– Тоғай Мурод билан бир сұхбат килиб бермайсизми?

Шукур Курбон олдимда адабнинг хонадонига сим қоқди. Туппа-тузук хол-аҳвол сўрашишди. Аммо радио учун сұхбатлашиш таклифини айтиши билан гўшакнинг у томонидан Шукур ака кутмаган билан ўзиб, сұхбатдошнинг узун, қалин қошлари янада ўзиб, кўз устига тушганда бўлди. Бошини кўттарганда юзи кизариб, кайфияти бутунлайди ўзгариб кетганди. Гўшакдан эса тутақиб кетган бир овоз нафратини баралла айтиётгани эшитиларди. Биз ҳайрон бўлдик. Ҳатто Тоғай акадан бироз хафа ҳам.

Кейинчалик Маъсума опадан эшиштаси, радионинг ўша пайтдаги бошлиқларидан бири «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романи кўлзёмасини олганча: «Мен ўқимагунимча эфирга бўрilmайди» деб икки-уч ой судраб, адабнинг гўзал ва ҳақгўй сўзини ерга урмокчи бўлади... Асл адиб мард бўлади. Номарднинг амали, кучидан ҳайқиб ўтирмайди. Ҳамиша рост сўзини айтиди. Тоғай Мурод асарлари йиллаб ётса-да, рост гапидан қайтмади, амалдорларга қуллук қилмади, улардан қўркмади. Бу фазилатсиз асл адиб ҳеч катон ўзини намоён эта олмайди. Кўрқоқ адабнинг сўзи эса сарик чақага арзимайди.

Вафо ФАЙЗУЛЛОХ
«Мен қайтиб келаман» хотиралар тўпламидан олинди

Гуҳари Шариф

Инсоннинг бошқа яратиклардан мукаррам қилиб яратилиши, унга юксак ақл, илм билан бирга Сўз деб аталмиш буюк неъматлар ато қилинишида улкан ҳикмат мухассасам. Навоий бобомиз таъбири билан айтганда, бани одамни ҳайвондан сўзлай олиши ажратиб турди ва шунинг учун ҳам сўзга гуҳари шариф деб баҳо берилади.

Башарият ибтиносига назар ташлаганимизда, Одам алайхиссалом Момо ҳаво онамис билан жаннатда беармон яшаётган бир пайтда Иблис иғвоси билан Сўзига хилоф иш қилгани ва Яратган томонидан ерга бадарга қилингани ҳақидаги ривоятга дуч келамиз! Биргина хато (такъиланган мевадан егани) учун умр бод истиғфор айтиб, бутун заҳматларга чиради, синовларга бардош бериб, бадал ўтаган Одам – илк пайғамбар эди.

Кейинги авлодлар унинг кечмишидан ибрат олиб, ваъда (сўз)га хилоф иш қилмасликка интилган. Масалан, И smoil алайхиссалом бир киши билан ваъдалашган жойида 22 кун кутиб турди. Ногаҳон ваъда берган киши унинг ёнидан ўтиб қолиб, нега бу ерда тургани сўрайди ва ўзининг сўз бергани ёдига тушади. Ваъдага вафо қилишда собит бўлгани учун ҳам Куръони Каримда И smoil пайғамбар «ваъдасига вафо қилгувчилардан бўлди» деб зикр қилинади.

Охиризмон пайғамбари

Муҳаммад алайхиссалом ҳам ваъдага, сўзга вафо қилишни тақрор-такрор таъкидлаган. Соадат асирида ҳеч бир инсоннинг шахсини тасдиқловчи бирор хужжати бўлмаган. Чунки сўзнинг кучи, лафзинги аҳамияти бекиёс бўлган. Ёлғон гапириш, сўзда турмаслик энг катта иллат хисобланган. Вақт ўтиши билан шундай буюк зотларнинг авлодлари секин-аста таназзулга юз бурди. Ишончизлик, алдов, вафосизлик деган тушунчалар пайдо бўлди. Таассуфки, бугун сўздан кўра бир парча қозогза кўпроқ ишонилади. Ён-атрофимизда кимнидир «туширган-идан, қандай қилиб алдаб кетганидан фархланаётган одамлар сұхбатига қулоқларимиз кўнишибормоқда. Пайғамбар бўла туриб, биргина хатосига бир умр бадал тўлаган Одам алайхиссаломнинг фарзандлари тушидаги ҳам гапирайтган ёлғонлари, ваъдабозликлари жавобини қандай бераркан?

Абдулатиф АБДУЛАЕВ



Азиз замондош!
Барчамиз ҳам шу давр одамларимиз. Ҳеч бўлмаса ўзимизни, оиламизни лафзизликдан ҳимоя қилайлик.

Тұртқұл хәқида ғибоят

Pивоят қилишларича, қадимда Мағрибдан Машриққа қатновчи карвон йүллари кесишіншін чоррача, яни, тұрт йүлни бирлаштирувчи қишлоқнинг номы «Тұртқұл» деб аталар экан. Қишлоқнинг сұлым манзилгоҳыда тұрт сохибжамол қызы шашар экан. Уларнинг тұнгичи — мөхір гиламдұз, иккінчи — құлигүл пазанда, учинчеси — хушовоз гүянда ва ниҳоят кенжаси — тенги йүк раққоса бўлиб, қишлоққа ташриф буюрган йүловчи-ю савдогарларга ўз ҳунарларини нағайиш этиб, құрганларни лол қолдирад, эл-юртда катта шуҳрат қозонган экан.

Тұрт сохибжамолнинг овозаси Бұхоро, Эрон, Рум шаҳзодаларининг ҳам қулоқларига етиб борибди. Қизларга ҳар томондан совчилар ёпириси қелиб кела бошлабди. Уларга сулувлар шундай шарт қойишибиди: «Кимки биз яшаётган юртни обод қилишга хисса құшса, ҳашаматли иморатлар қурса, қалъя бунёд этса шунга тұрумуша қиқамиз». Буни эшитган ошиқлар бирин-кетин бир-биридан гүзәл иморатлар күришибди. Чор-троб ободонлашибди. Тез фұрсат ичіда қызлар яшаётган мұжазигина қишлоқ катта ва чиорлы қалъага айланыбди. Ичіда сайлігох, мемонхона, дүкон, бозорлар пайдо бўлибди. Шундан сұнг қалъанинг номи тұрт сохибжамол шарафига Тұртқұл дея аталадиган бўлибди...

Тұртқұл атамасининг келиб чиқиши хусусида бошқача фикрлар ҳам

мавжуд. Жұмладан, тұртқұллик ўлкашунос, раҳматли Ислом ота Жуманиёзов ҳәётлигіда бу ҳақда қүйидаги фикр билдирган эди: «Шаҳарнинг номи «Тұртқұл», «Тұртқұл», «Тұртқышлоқ» сүзлардан келиб чиққанлықтың оғаннан көрініштегі әхтимолдан узоқ әмас, албатта. Аммо менинг фикримча, ҳозирги «Тұртқұл» атамаси «Дүргіл», яни серхосил тупрок, дур үнадиган ер деғани бўлса керак. Форсий тиңда бу сўз асил тупрок, олтин тупроқ маъносини англатади». Ислом ота фикрида ҳам жон бор. Чунки туман хосилдор ерлари, боғлари, шириншакар мевалар билан бутун республика манзиле машхур.

Ривоятларни құя турайлик-да, 9-10-асрларда шу ўлқага ташриф буюрган араб сайде Истахрий қайд қилған қүйидаги сүзларға әзтибор қаратайлик:

— Бұхородан Хоразмгача бўлган йўл күм, чўллардан иборат. Ҳарабхашна — Жайхун дарёсининг ўнг сохилидаги қўрқам шаҳардир.

Академик Яхе Гуломовнинг фикри, Ҳарабхашна — Шўрахон қалъя күшонлар империяси даврида, милоддан аввалги 2-1-асрларда бунёд этилган. Жайхун-Шўрахон дарёси тошқини оқибатида қалъя ва қишлоқлар емирилган. Шу сабабли Тұртқұл-Шўрахон-Петро-Александровский қалъасы ўз ўрнини ўзгартыришига мажбур бўлган. Умуман, қадим Тұртқұл шаҳри номи ҳақида турфа фикрлар мавжуд. Хоразмликлар тұртбурчак шаклдаги нарасаларни тұртқұл деб ҳам атайдилар.

Зарип ШЕРЛАНОВ,
мехнат фахрийиси

Kүшкүпир туманиннинг Оқдарбанд қишлоғида 5000дан зиёд форслар истиқомат қилауди. Уларнинг келиб үрнашишининг ўз тарихи бор, албатта. Бу ҳақда Мұхаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Оғаҳий ва Баёний тарихий асарларыда батағасыл ёзіб ўтган. Манбаларда қайд этилишича, 1825 йилга келиб, Олдоқулихон даврида, Эрон-Хива муносабатларыда чигалліклар пайдо бўлади. Тахт вориси Раҳмонкулихоннинг ўлдирилиши натижасыда ислом дини қоидаларига асосан тұланиши жоиз бўлган «қон ҳақи» яни диё (товор) учун оқдарбандлар Хоразмга кўчириб олинган экан. Бирок оқдарбандлар табиатан мард, чавандоз ва мерған халқ бўлгани боис, Хива хукмдори улардан чегарачилар сифатида фойдаланган. Ҳ. Раҳматуллаев, Ҳ. Матризаев, Ш. Қурёзов ҳаммуаллифлигиде «Хоразм» нашриети томонидан 1992 йилда чоп қилинган «Оқдарбанд» китобида келтирилган «Оғажон Мұхаммад ўғлининг ҳикоясы» бо-

биди форсийлар воҳага Эрон шохи томонидан Хива-хонига ёрдам сифатида жүнатилгани баён қилинган. Үнда ёзилишича, Хивага ташриф буюрган Эрон шохи Хоразмнинг чекка худудларига ҳар тарафдан тез-тез босқынлар уюштирилиб ту-

ришини эшитади. Оқибатда, құшни мамлакатга бу муаммони ҳал қилишда ёрдам бершишин айтади. Сұнгра юртига қайтиб кетгач, әнг сара, жасур йигитларни Хивага навкарликка жүнатған экан.

Бу ҳикояда мантиқ бор.

ФОРСЛАР ЯША(ЙА)ГАН ҚИШЛОҚ



Чунки Эроннинг савдо карвонлари Хоразм орқали Мовароуннахр, Олтой ўлкалари, Хитой ва Россияга ўтар эди. Бу йўлларнинг тинч-осойишта бўлиши форслар шохи учун ҳам сув билан

кан, қўйидаги фикрларни билдиради: «...Оқдарбанд қалъаси иккى тарафдан баланд төғ қоялари билан тўсилӣ, гўзаллик ва мустаҳкамлика Искандар деворига тенг келадиган девор билан ўралиб турган. Ана шу қалъада ватан тутиб ўтирган қизил бошли (шиа мазҳабига мансуб форсийлар — Э.Б.) давлату-савлатда, ҳарбий ишларда ва жанг жадалликда тенги йўқ машхур эдилар.

ОҲАНГАРОННИНГ МАЪНОСИ НИМА?

Iлк феодализм даврида Илоқ давлати ташкил топган бўлиб, пойтахти ҳозирги Оҳангарон туманиндағи «Бирлик» фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Тункат деб номланган. Кейинчалик 6 — 7-аср

рихий манбаларда учрамайди. Орадан йигирма беш аср ўтгандан сўнг Тошкент вилоятига қарашли Оҳангарон тумани барпо қилинди.

Оҳангарон сўзи форс тилидан олинган бўлиб,

темирчилар шаҳри деган маънони беради. Маълумотларга кўра, беш минг йил аввал Гўшойнинг Оҳангарон дарёси га қўйилиш жойидаги қишлоқ ахолиси темирчилик билан шугуулланган.

Оҳангарон тумани 1926 йили Ангрен номи билан

ташкил қилиниб, биринчи маркази Телов қишлоғи бўлган. 1957 йилда туман ҳудуди Олмалиқ, Ангрен шаҳарларига қўшилган. 1961 йилда қайта ташкил қилинган. Иккى йилдан сўнг Ўртачирчиқа, кейинчалик бир қисми Пискент туманинга берилди. 1971 йилдан туман тикланди ва маркази Оҳангарон шаҳри деб белгиланди.

Шимоли-шарқда Қурама, шимол ва шимоли-арбада Қамчиқ довонига туташган Чотқол төғ тизмалари ўртасидаги воидида жойлашган Оҳангароннинг майдони 3100 км², ахолиси 80 минг кишини ташкил қиласиди. Икlimи континентал. Туман ҳудудидан Оҳангарон дарёси ва унинг Бешқўл,

Эртош, Кўксарой, Четсув, Серка қирилди, Чинор, Қорабог, Оқча ирмоқлари оқиб ўтади. Туркшилоқ сув омбори бор. Тоғ этакларида арча, ёнғоқ, писта, тоголча, олма, дўлана ўсади.

Тоғларда чиябўри, тулки, бўрсик, кийик, типратикан, чўчка, сассиқ-кўзан, сувсар, юмронқозик, каламуш, кўрсичон ва ҳатто арслон ҳам учрайди.

Фойдали қазилмалардан қўнғир кўмир, мис, рух, молибден, олтин бор. «Оҳангаронцемент», «Оҳангароншифер», «Стройпластмасс», «Сантекслит» заводлари ишлаб турибди.

Туманда 120 та фермер хўжалиги мавжуд. Экин майдонлари 2600 гектар. Гулобод, Янгикишлек, Кўрсой, Парписой, Тошсой қишлоқларида лалими нўхат етиширилади.

Оҳангаронда 52 та мактаб, 65 та кутубхона, шифохона, 6 та амбулатория, 40 та врачлик пункт бўлиб, уларда 1000 та тибиёт ходими хизмат қиласиди. «Оҳангарон» газетаси чоп этилади.

Улдана АБДУЖАББОР қизи

Душман келадиган бўлса, уларнинг йўлини тўсиш ва қайтариш билан машгул бўлганлар...

Собиқ СССР даврида тарихий ҳақиқат бузиб кўрсатилиши оқибатида оқдарбандликларнинг Хоразмга қўчиши ҳам бошқача талқин этилган. Айрим шўро даври тарихчилари форсийлар Хивага қўл қилиб олиб келинган деган фикрларни билдирган. Бу — мутлақо янгилиш фикр эканини Оғаҳий ва Баёний асарлари ҳамда юқорида номлари зикр этилган уч қаламаш ҳаммуаллифлигиде ёзилган «Оқдарбанд» китобидаги далиллар ҳам ишботлаб турибди. Қолаверса, Хива хонлиги даврида хўкмдорнинг энг яқин маслаҳатчи ва «маҳрам» — тан соқчилари оқдарбандликлар бўлгани шўро тарихчилари фикрини чиппакка чикаради. XIX аср охирлари ва XX аср бошларидан салтанатни бошқарган Мұхаммад Раҳимхони Соний (Феруз)нинг Ашир маҳрам, Мутриб Ҳонахаребий, Давлатмурод Ғуломий, Аҳмад Табибий каби мулозимлари ҳам форс миллатига мансуб бўлгани — уларнинг тенг ҳуқуқли фуқаролар қаторида яшаганидан дарак беради...

**Эрпўлат БАХТ,
журналист**

Сўраган-Эддинғиз...

Қонунчилигимизда «тўғри қасд», «эгри қасд» деган тушунчалар бор экан. Шу ҳақда тўлироқ маълумот берсангиз.

А.МИРЗАКРИМОВ,
Наманган вилояти

Жиноятлар тўғри ёки эгри қасдан содир этилган бўлиши мумкин. Бу ҳақда ЖКнинг 21-моддасида шундай дейилади:

— агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасдан содир этилган деб топилади;

— агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онги равишда йўл кўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасдан содир этилган деб топилади.




Судланувчи қамоқда бўлса, адвокат қайтартибда ва вакъларда у билан учрашиши мумкин?
Д.МАЪРУФАЛИЕВ,
Фарғона вилояти

ЖПКнинг 53-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, гумон қилинувчи, айланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, ҳимоячи у билан жиноят ишини юритишига масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг рухсатисиз, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишига ҳақли.

Ажрашгандан кейин ҳам хотин эрнинг фамилиясида қолиши мумкини?

Ш.ҲОЖИБОЕВА,
Тошкент шаҳри

Мумкин. Оила кодексининг 46-моддасига кўра, никоҳга кириш вақтида ўз фамилиясини ўзгартирган эр (хотин) никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам шу фамилиядаги қолишига ҳақли ёхуд унинг хоҳишига биноан суд томонидан никоҳдан ажратиши тўғрисидаги қарор чиқарилаётганда унга никоҳгача бўлган фамилияси қайталиши мумкин.



Олий ўкув юртида дарс бераман. Илмий изланишларим натижасида ўкув қўлланмаси тайёрладим. Бироқ уни чоп этиш арафасида масъуллардан бири ҳаммуалиф сифатида номини кўрсатмасам, керакли ҳужжатларни тасдиқламаслигига шама қилди. Бу билан муаллифлик ҳуқуқим поймол қилинаётган ҳисобланмайдими?

Б.ЗОҲИДОВА,
Тошкент шаҳри

Сиз айтиб ўтган ҳолатда муаллифлик ҳуқуқи бузилиши кузатилади. Ўзбекистон Конституциясининг 42-моддасида: «Ҳар кимга илмий ва техникавий иход эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади», — деб ёзилган. ЖКнинг 149-моддасида ҳам муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларининг бузилиши ҳақида сўз боради. Бу ҳаракатлар энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланиши мумкин.

Мамлакатимиздан олиб чиқилиши мумкин бўлмаган маданий бойликлар ҳақида маълумот берсангиз.

Э.ЧОРИЕВ,
Сурхондарё вилояти

«Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига биноан қўйидагилар Ўзбекистондан олиб чиқилиши мумкин эмас:

Эллик йил ва ундан олдинроқ яратилган маданий бойликлар; давлат томонидан муҳофаза рўйхатлари ва реестрларига киритилган маданий бойликлар;

Ўзбекистоннинг давлат ва жамоат музейларида, архивларида, кутубхоналарида ва бошқа сақлаш жойларида доимий сақланаётган маданий бойликлар.

Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ривожи йўлида

Ўзбекистонда нодавлат-нотижорат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳамиятини кучайтириш — ҳақиқий демократияни ривожлантириш ва такомиллаштириш, демократиянинг олий максади бўлган жамият ва давлат ишларини бошқаришга барча фуқароларни жалб қилишнинг муҳим омилидир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ёки фуқаролик жамияти субъектлари фаолиятига алоҳида эътибор берилган. Бу Конституциянинг бир қатор нормаларида ҳам ўз аксini топган. Бинобарин, Асосий қонунишнинг 56-моддасида белгиланишича, Ўзбекистонда қонунда белгилangan тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Мамлакатимизда нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибиға солувчи қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқла-

ри ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Жамоат фондлари. тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш

куватлашлари мумкин», — дейилган.

2008 йил 3 июлда мазкур ташкилотлари ва фуқаролик жамиятини институтларини янада ривожлантириш учун Олий Мажлис Қонунчилик па-

қаролик жамияти институтлари, мустақил нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантириши рағбатлантириш ва қўллаб-куватлаш; мазкур ташкилотларнинг моддай-техник базасини мустаҳкамлаш, уларга ҳуқуқий маслаҳат тарзида, ташкилий, техник ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш; уларнинг чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларини кенгайтириш юзасидан лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга кўмаклашиш.

Бунда фонд маблағлари бевосита нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларига уларнинг талабномалари асосида ва парламент комиссиясининг қарорига мувофиқ субсидия, грант, ижтимоий буюртма тарзида ажратилади.

Фонд фаолиятини ошкоралик принципи асосида амалга оширади, шунингдек, нодавлат-нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ажратиладиган маблағлардан белгиланган максадда фойдаланилишини таъминлайди.

Акбар НАБИРАЕВ,
Ўзбекистон Адлия вазирлиги
масъул ходими

Муҳим демократик қадам

тўғрисида», «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлашириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги

кунунлар қабул килинган. Бундан ташқари, «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида: «Давлат нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди, уларни қўллаб-куватлаш шакллари ва шартларни белгилайди. Юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ нодавлат-нотижорат ташкилотларининг фаолиятини молиявий ёки бошқа жиҳатдан қўллаб-

латаси Кенгаши ва Сенат Кенгашининг «Нодавлат-нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-куватлашни кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул килинди. Шу асосда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-куватлаш жамоат фонди» тузилди ва Адлия вазирлигига 2008 йил 28 июлда рўйхатга олинди.

Мазкур фонднинг асосий вазифаси қўйидагилар қиради: давлат бюджетидан, қонунда тақиқланмаган бошқа манбалардан олинадиган маблағларни жамлаш, улар орқали фу-

СИДЕРІЯ | 3-й вінок

40 «Монтекристо». Сериал.	Россия	16.30 Т/с «Безмолвный свидетель 2», 55 с.
30 «Хабарлар» (узб.)		17.00 00.00 Т/с «Закон и порядок: Преступные намерения 5».
50 ИНТЕРФУТБОЛ.		20.00 01.00 Т/с «Опера. Хроники убойного отдела», 3 с.
25 «Властелин моря». Сериал.		21.30 03.00 Т/с «Отряд «Антитеррор», 3 с.
25 «Туннингиз осуда		22.30 «Брачное чтиво».
(Син!)»		23.30 Т/с «Безмолвный свидетель 2», 56 с.
10.00 «Сегодня».		02.30 «Карданный вал +».
10.25 «Чистосердечное признание».		06.00 Т/с «Секретный агент
(США).		МакГайвер».
10.00 «Сегодня».		07.00 «Самое смешное видео».
11.00 Т/с «Иное».	СТС	08.00 М/с «Зена - королева
12.00 «Суд присяжных».		08.55 М/с «Смешарики».
13.00 «Сегодня».		09.00 М/с «Приключения Вуди и его друзей».
13.35 Т/с «Дюжина правосудия».		09.30 Т/с «Папины дочки».
15.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».		10.00 Т/с «Рыжая».
16.30 Т/с «Москва. Центральный округ».		11.00 Истории в деталях.
16.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».		11.30 Т/с «Кто в доме хозяин?».
16.30 «Сегодня».		12.00 Х/ф «Влюбленный
16.00 «Сегодня».		13.00 Т/с «Друпи-суперсы-шик».
22.10 «Следствие вели...»		17.30 М/с «Чародейки».
23.00 «Сегодня».		18.00 Т/с «Джинн дома».
23.25 «Суперстар - новогодний хит-парад».		18.30 «Галилео».
23.00 «Сегодня».		19.00 Т/с «Папины дочки».
14.00 Т/с «Их собственная жизнь».		19.30 Т/с «Космические охотники на драконов».
02.50 Т/с «Холм одного дежаву».		20.30 Истории в деталях.
03.40 Т/с «Отражения».		21.00 Т/с «Моя прекрасная Няня».
04.35 Т/с «Холм одного дежаву».		22.00 Т/с «Рыжая».
05.15 Т/с «Без следа 5».		23.00 Х/ф «Белый плен».
12.00 Т/с «Граф Монте-Негро», 1 с.		01.15 Т/с «6 кадров».
13.00 Д/ф «Тайные знаки. Михаил Ломоносов. Магия гематита».		01.30 Т/с «Новогодние папины дочки. Мама возвращается».
14.00 Д/ф «Разрушители мифов. Рождество».		03.00 «Слава Богу, Новый год!», ч. 1.
15.00 Т/с «Звездный корабль Галактика», 38 с. (США - Великобритания).		04.30 Т/с «Анатомия страсти».
16.00 Т/с «Женщины и смерть», 9 с. (США).		05.30 Т/с «О.С. - одинокие сердца».
17.00 Т/с «Ангел», 71 с. (США).		07.10 Музыка на СТС.
18.00 Т/с «Охотники на монстров», 1 с.		06.30 М/ф: «Чуня», «Чудеса в решете».
19.00 Т/с «Звездный корабль Галактика», 39 с. (США - Великобритания).		07.00 Домашние сказки.
20.00 Т/с «Крепкий орешек Джейн», 2 с. (США).		09.00 Мелодрама «Валентина на».
21.00 Т/с «Женщины и смерть», 10 с. (США).		10.00 (Франция - Швейцария).
22.00 Д/ф «Тайные знаки. Наколдовавать наследника».		11.00 Т/с «Бедная Настя».
23.00 Т/с «Охотники на монстров», 2 с.		12.45 Улицы мира.
00.00 Т/с «Местное время. Весна».	Домашний	13.00 Киноповесть «Злой дух Ямбуя».
00.00 Т/с «Ваша честь».		15.00 Д/ф «Вся правда о тебе». Как нужно кормить детей».
00.40 Т/с «Суд идет».		16.00 Комедия «Валентина и компания».
00.30 «Кулагин и партнеры».		01.00 Х/ф «Розвелл: Атака пришельцев».
00.30 «Вести».		03.00 Т/с «Крепкий орешек Джейн», 1 с. (США).
00.20 «Местное время. Весна».		04.00 Т/с «Граф Монте-Негро», 1 с.
00.40 Т/с «Сотворившая чудо».		05.00 00.00 Х/ф «Захватчик».
00.50 Т/с «Эксперты».		05.00 Т/с «Черный ворон», 47 с.
00.45 «Вести. Дежурная часть».		08.00 04.00 «Клуб детекти-вов».
01.00 «Вести».		08.55 Музыка.
01.20 «Местное время. Весна».		09.00 Телемагазин.
01.40 Т/с «Сотворившая чудо».		10.30 14.30, 21.00, 02.00 М/ф: «Состав преступлений».
01.40 «Суд идет».		11.00 16.00, 23.00 Вне за-кона.
01.30 «Кулагин и партнеры».		11.30, 18.00 Т/с «Комиссар Рекс».
01.30 «Вести».		12.30 Х/ф «Инспектор ГАИ».
01.00 Т/с «Срочно в номер		15.00, 19.00 Судебные стра-вой».
01.00 «Спокойной ночи, ма-ниши!»		05.20 Т/с «Не родись краси-вой».
01.45 «Спокойной ночи, ма-ниши!»		01.15 Т/с «Бедная Настя».
01.30 «Местное время. Весна».		03.00 Т/с «Наперекор судьбе».
01.00 Т/с «Срочно в номер		03.45 Т/с «Белиссима».
01.45 «Новогодний парад		04.35 Т/с «Мачеха».
01.45 «Срочно в номер		05.20 Т/с «Не родись краси-вой».
01.50 «Вести +».		01.15 Т/с «Бедная Настя».
02.10 «Дорожный патруль».		03.00 Т/с «Грядет налоговый инспектор».
02.30 Т/с «Люди в деревне».		02.00 Т/с «Она написала Моя жена меня приворожила».
02.50 Новогодний парад		23.30 Мелодрама «Вам и не снилось...».
01.50 Т/с «Срочно в номер		01.15 Т/с «Бедная Настя».
01.50 «Вести +».		03.00 Т/с «Наперекор судьбе».
02.10 «Люди в деревне».		03.45 Т/с «Белиссима».
02.30 Т/с «Большая любовь».		04.35 Т/с «Мачеха».
02.30 Т/с «Большая любовь».		05.20 Т/с «Не родись краси-вой».

ОЗВЕКИСТОН	5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 «Иклим».	15.55 «Ватан химоячилари». 16.00 «ДАВР».
	7.05 «Ёмғир симфонияси».	16.10 «Алломиш авлодлари».
T/С.	7.35 ТВ - анонс. 7.40 «Икки дарё оралифида».	16.15 «Болалар табассуми».
	8.00 «Ахборот».	16.20 «Кора ўрдак». М/с.
	8.35 ТВ - анонс.	17.00 «Ўзбегим матолари».
	8.40 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».	17.20 «Аскар кўшиклари».
	9.30 «Изхор».	17.30 «Омад ҳамиша кела-вермайди». Б/Ф.
	9.35 «Юртим бўйлаб» дасту-ри: «Кашқадарё соҳиллари бўйлаб».	18.45 «Корли наволар».
	9.45 «Андерсен эртаклари».	18.55 «Ватан хизматида».
M/С.	10.10 «Йила, Изла, Топ!»	19.00 «ДАВР».
	12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»	19.30 «Голиб». Т/с.
	12.50 ТВ - анонс.	20.10 «UzEX».
	10.50 «Иклим».	20.15 «Онахон кишилогим».
	10.55 «Сизнинг адвокатинги».	20.20 «Автопатруль».
	11.00 «Ахборот».	22.30 «Тасвир ва таассурот».
	11.10 «ТВ - шифокор».	22.50 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
	11.15 Миллий сериал: «Туташ тақдирилар».	23.35 «Шахзоданинг кў-шиғи».
	11.50 «Ахборот». /инглиз/.	23.55 «Харбийлар».
	12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»	21.40 «Янги йил наволари».
	12.50 ТВ - анонс.	21.55 «Алломиш авлодлари».
	12.55 «Ёлғиз күш».	22.00 «ДАВР».
	14.00 «Ахборот».	65-кисм.
	14.15 ТВ - анонс.	18.10 «Телекуръер- маркет».
	14.20 «Олам ва одам» дасту-ри: «Жиловланмаган Африка».	18.25 «Тошкент-2200».
	14.20 «Эл тинчлиги йўлида».	18.30 «Пойтахт» ахборот дас-ти.
	14.40 «Худудлар ҳаёти».	18.30 «Пойтахт» ахборот дас-ти.
	17.10 «Худудлар ҳаёти».	18.50 «Анонс».
	17.25 ТВ - анонс.	18.55 «Эсмиеральда».
	17.30 «Стандарт ва сифат».	19.00 «Тошкент-2200 « /рус/. риал. /рус/.
	«Болалар сайёраси»:	20.20 «Милагрос». Телес-
	17.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».	20.25 «Милагрос». Телес-
	17.50 «Ракснинг сехрли ола-ми».	21.25 «Анонс».
	18.00 «Одамлардан бири».	19.25 Бизнес- «Пойтахт».
	18.20 ТВ - анонс.	19.30 «Мусика SMS».
	18.25 «Минг бир хунар».	19.50 «Ҳимоя».
	18.40 «Навоийни англаш».	20.00 «Пойтахт» ахборот дас-ти /рус/.
	18.50 «Ахборот».	20.20 «Тошкент-2200 « /рус/. риал. /рус/.
	18.55 «Олтин мерос».	21.05 «Жозиба».
	19.00 «Навоийни англаш».	21.25 «Анонс».
	19.20 «ТВ - шифокор».	21.30 «Пойтахт» ахборот дас-ти.
	19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.	21.50 «Анонс».
	19.30 «Ахборот». /рус/.	19.30 «Ҳабарлар» (ўзб.тил)
	20.00 ТВ - анонс.	22.30 «Пойтахт» ахборот дас-ти /рус/.
	20.05 Миллий сериал: «Туташ тақдирилар».	22.50 Кино SMS со звезда-ми.
	20.45 «Соз сехри».	22.55- 00.15 Кино. «Очарован тобой».
	21.00 «Ахборот».	23.00 «Хабарлар» (рус тил)
	21.30 Ватан химоячилари ку-нига багишланган байрам дастури.	22.00 «Телекуръер - маркет».
	23.00 «Иклим».	22.15 «O'zbekfilm» намойиш этади: «Тошкент сувлари». /Пре-мьера/.
	23.05 «Ёлғиз күш».	20.20 «Пойтахт» ахборот дас-ти /рус/.
	00.10-00.15 Тунги наволар.	21.15 «Тег-а-тет».
	00.10-00.15 Тунги наволар.	22.50 Кино SMS со звезда-ми.
	00.10-00.15 Тунги наволар.	22.55- 00.15 Кино. «Очарован тобой».
	00.10-00.15 Тунги наволар.	23.00 «Ҳабарлар» (ўзб.тил)
	00.10-00.15 Тунги наволар.	23.15 «Малахов +».
	00.10-00.15 Тунги наволар.	9.15 «Тег-а-тет».
	00.10-00.15 Тунги наволар.	9.30 «Ҳабарлар» (ўзб.тил)
	00.10-00.15 Тунги наволар.	9.50 «Властелин моря». Се-риял.
	00.10-00.15 Тунги наволар.	10.50 «Шиҷоат майдони».
	00.10-00.15 Тунги наволар.	Ярим финал.
	00.10-00.15 Тунги наволар.	11.50 - 13.25 Футбол. лига чемпионов - 2008.
	00.10-00.15 Тунги наволар.	«Манчестер Юнайтед» - «Чел-си».
	00.10-00.15 Тунги наволар.	18.00 Мультифильм.
	00.10-00.15 Тунги наволар.	18.30 «Ҳабарлар» (рус тил)
	00.10-00.15 Тунги наволар.	18.50 «Иктидор». Ватан химоячилар кунига багишланади.
	00.10-00.15 Тунги наволар.	19.30 Биатлон. Кубок мира.
	00.10-00.15 Тунги наволар.	19.20 «Такдир чизгиларни». Ватан химоячилар кунига багишланади.


Печать 6815-Углерод

1

ОЗВЕКИСТОН		13.10 «Чемпион». Документальный фильм. 13.30 «Уйимдаги фарыштам». 13.50 «Софинч корлари».	20.00 «Вести». 20.30 «Местное время. Весты».	«Преферанс патницам».
5.55 Курсатувлар дастури.		19.00 Биатлон. Кубок мира.	15.00, 19.00 Судебные споры.	«Безмолвный свидетель 2», 58 с.
6.00 «Ассалом, Узбекистон!».		20.00 Футбол. Испания чемпионат шархи.	16.30 Т/с «Безмолвный свидетель 2», 58 с.	17.00, 00, 00 Т/с «Закон и порядок: Преступные намерения».
7.00 «Ихими».		20.40 «Монгекристо». Сериал. 21.30 «Хабарлар» (узб. тип)	21.00 «Аншлаг. Старый Новый год».	0.15 Х/ф «Снегурочка для взрослого сына».
7.05 «Эмгир симфонияси».		21.50 Интерфутбол. 23.25 «Властилины моря». Сериал.	0.25 Триллер. «Глюки».	02.05 «Дорожный патруль».
7.35 ТВ - анонс.		0.25 «Туннингиз осуда булсин».	03.45 «Дорожный патруль».	04.00 Комедия «Любовь не стоит ничего». (США).
7.40 «Икки дарё оралиғида».		04.00 «Ахборот».	04.00 «Комедия «Любовь не стоит ничего». (США).	02.30 «Брачное чтиво».
8.00 «Ахборот».		08.40 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларидида».	08.00 «Турмуш чорраҳаларидида».	23.30 Т/с «Безмолвный свидетель 2», 59 с.
8.35 ТВ - анонс.		09.30 «Изхор».	06.00 «Сегодня утром».	02.00, 02, 30 «Брачное чтиво «Вуди варроссых».
8.40 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларидида».		09.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Нодир хазина».	09.05 Т/с «Скорая помощь».	06.00 Т/с «Секретный агент».
9.30 «Изхор».		09.45 «Болалар сайёраси»;	09.30 Сериал «Громовъ».	06.00 Т/с «Секретный агент».
9.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Нодир хазина».		10.40 «Кора Урдак». М/с.	10.25 Узбек наволари	07.00 «Самое смешное видение».
9.45 «Андерсен эртаклари».		10.40 «Даврининг боласи».	11.30 «Обитатель зла 1» худ.-фильм.	02.30 «Брачное чтиво».
M/с.		10.35 «Хароййлар».	13.30 Узбек наволари	23.30 Т/с «Безмолвный свидетель 2», 59 с.
10.10 ТВ - анонс.		21.40 «Янги йил наволари».	08.00 Сериал «Жассига ушашчи йўк».	02.00, 02, 30 «Брачное чтиво «Вуди варроссых».
10.15 «Тайлимга эътибор - келажакка эътибор».		21.55 «Алломиши авлодлари».	08.30 Узбек наволари	06.00 Т/с «Секретный агент».
10.35 «Хонядон».		22.00 «ДАВР».	09.30 Сериал «Громовъ».	07.00 «Самое смешное видение».
11.00 «Ахборот».		22.30 «Суммас юлдузлар».	10.25 Узбек наволари	03.45 «Дорожный патруль».
11.10 ТВ - шифокор».		22.50 «Хайёт-мамот».	11.30 «Обитатель зла 1» худ.-фильм.	04.00 «Комедия «Любовь не стоит ничего». (США).
11.15 Миллий сериал: «Туташ таддирилар».		23.35 «Юрганчилик».	12.00 «Суд присяжных».	02.30 «Брачное чтиво».
11.55 «Эски альбом».		7.25 Курсатувлар тартиби.	13.30 «Дюжина правосудия».	23.30 Т/с «Безмолвный свидетель 2», 59 с.
12.00 «Ассалом, Узбекистон!».		7.30 «Салом, Тошкент! Кўнгилочар, информацион-музикйи дастур. Бизнес: «Пойтахт».	14.30 M-file's	08.00 М/с «Зена - королевы воинов».
12.50 «Иким».		8.30 «Даврининг Пойтахт».	15.00 Сериал «Жассига ушашчи йўк».	08.55 М/с «Смешарики».
12.55 «Ёлғиз күш». Т/с.		8.35 «Эсмेरальда». Телесериал: «Туктаклар».	15.30 Узбек наволари	09.00 М/с «Приключение Вуди и его друзей».
13.00 Миллий сериал: «Сардор».		9.00 «Телекуерьер-маркет».	16.00 «Сегодня».	09.30 Т/с «Папины дочки».
13.15 ТВ - анонс.		9.15 «Дурдана».	16.30 Т/с «Лихие 90».	10.00 Т/с «Крыжая».
13.20 «Ахборот».		9.20 «Пойтахт».	17.00 Примьера (рус.)	11.00 Т/с «Истории в деталях».
13.30 Миллий сериал: «Сардор».		9.30 «Жардакъ».	17.30 Презентайное происшествие. Обзор».	11.00 Т/с «Кто в доме хозяин?».
13.45 Т/с.		9.40 «Эртамиз эгалари».	18.00 Узбек наволари	12.00 «Суд присяжных».
13.55 «Келажак боғбони».		9.40 «Телекуерьер-маркет».	18.30 Сериал «Жассига ушашчи йўк».	13.35 Т/с «Сегодня».
14.00 «Ахборот».		9.55 «Уйларим».	19.00 Сериал «Громовъ».	14.00 Т/с «Дюжины правосудия».
14.15 ТВ - анонс.		10.20 «Анонс».	19.30 Узбек наволари	14.40 Т/с «Приступить к лицвидации».
14.20 Ю. Ражабий номидаги концерти.		10.25 «Даврининг Пойтахт».	20.00 Сериал «Звезда 2» худ.-фильм.	15.00 Т/с «Влюблённыи».
14.30 Миллий сериал: «Сардор».		10.30 «Пойтахт» ахборот дастури.	21.30 Сериал «Звезда 2» худ.-фильм.	15.30 Т/с «Моя прекрасная мама №1».
14.45 Т/с.		10.35 «Ахборот».	22.20 «Обитель зла 2» худ.-фильм.	16.00 Т/с «Приключение Вуди и его друзей».
14.50 «Ешлик баёзи».		10.40 «Анонс».	22.30 Сериал «Звезда 2» худ.-фильм.	16.30 М/с «Приключение Вуди и его друзей».
14.55 «Шахзоданинг таддирилар».		10.45 «Даврининг Пойтахт».	23.30 Сериал «Звезда 2» худ.-фильм.	17.00 М/с «Друри-суперсыч».
15.00 «Муқалам сехрни».		10.50 «Ахборот».	24.00 Сериал «Добро»	17.30 М/с «Рыжая».
15.55 «Даврининг Пойтахт».		10.55 «Ахборот».	24.30 «Ты смешной!»	18.00 Т/ф «Обитель эзла (Школа №1)».
16.00 «Ахборот».		11.00 «Ахборот».	00.20 «Опекун».	18.30 М/с «Смешарики».
16.10 «Даврининг боласи».		11.10 ТВ - шифокор».	01.20 «Спасатели. Обзор».	19.00 М/с «Приключение Вуди и его друзей».
16.20 «Кора Урдак». М/с.		11.15 Миллий сериал: «Туташ таддирилар».	01.30 Т/с «Дюжины правосудия».	19.30 Т/с «Кадетство».
16.30 «Ешлик майдони».		11.20 «Эртамиз эгалари».	02.05 Наша «Тема».	20.30 Истории в деталях».
16.30 «Урдаккўл воеаси».		11.30 М/с «Жассига ушашчи йўк».	02.30 Наша «Сегодня».	21.00 Т/с «Холм одного дера».
16.40 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларидида».		11.40 «Даврининг Пойтахт».	03.20 Т/с «Суд присяжных».	21.30 Т/с «Все псы попадают в рай».
16.45 Т/с.		11.45 «Даврининг Пойтахт».	03.30 Т/с «Их собственная жизнь».	21.30 М/с «Приключение Вуди и его друзей».
17.00 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларидида».		11.50 «Даврининг Пойтахт».	04.05 Т/с «Холм одного дера».	22.00 Т/с «Друри-суперсыч».
17.10 ТВ - анонс.		11.55 «Даврининг Пойтахт».	04.45 Т/с «Без следа 5».	22.30 Т/с «Рыжая».
17.15 Миллий сериал: «Сардор».		12.00 «Ахборот».	05.00 Т/с «Детективы».	18.00 Т/с «Хародейки».
17.20 ТВ - анонс.		12.05 «Ахборот».	05.30 Т/с «Гадкий утенок».	18.30 Т/с «Джинн дома».
17.25 «Тонкиент».		12.10 «Ахборот».	06.00 «Сегодня».	19.00 Т/с «Ганилео».
17.30 «Тонкиент».		12.15 «Ахборот».	06.30 Т/с «Приключение Вуди и его друзей».	19.30 Т/с «Плохой Санта».
17.35 «Тонкиент».		12.20 «Ахборот».	07.00 Т/с «Кот по имени Ик».	20.30 М/с «Космические истории».
17.40 Ю. Ражабий номидаги концерти.		12.25 «Ахборот».	07.30 Т/с «Отель зомби».	21.00 Т/с «Анатомия страсти».
17.45 Т/с.		12.30 «Ахборот».	08.00 Т/с «Холм одного дера».	21.30 Т/с «Моя прекрасная мама на СТС».
17.55 «Сизнинг адвокатинги».		12.35 «Ахборот».	08.30 Т/с «Разрушители мира».	22.00 Т/с «Рыжая».
18.00 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларидида».		12.40 «Ахборот».	09.00 Т/с «Граф Монте-Кристо».	22.30 Т/с «Обитель эзла (США)».
18.00 Миллий сериал: «Сардор».		12.45 «Ахборот».	09.30 Т/с «Тайные знаки».	00.55 М/с «Смешарики».
18.10 «Даврининг Пойтахт».		12.50 «Ахборот».	10.00 Т/с «Кот по имени Ик».	19.00 Т/с «Приключение Вуди и его друзей».
18.20 «Даврининг Пойтахт».		12.55 «Ахборот».	10.30 Т/с «Отель зомби».	19.30 Т/с «Приключение Вуди и его друзей».
18.30 «Даврининг Пойтахт».		13.00 «Даврининг Пойтахт».	11.00 Т/с «Ангел».	20.00 Т/с «Анатомия страсти».
18.40 «Даврининг Пойтахт».		13.20 «Кино: Титаник».	12.00 Т/с «Граф Монте-Кристо».	20.30 М/с «Чародейки».
18.45 «Даврининг Пойтахт».		13.25 «Кино: Титаник».	12.30 Т/с «Охотники на монстров».	20.30 М/ф «Варежка», «Белая шкурка».
18.50 «Даврининг Пойтахт».		13.30 «Кино: Титаник».	13.00 Д/ф «Тайные знаки».	20.30 М/ф «Розовая пантера».
18.55 «Даврининг Пойтахт».		13.35 «Кино: Титаник».	13.30 Д/ф «Приключение Вуди и его друзей».	20.30 М/ф «Анатомия страсти».
19.00 «Даврининг Пойтахт».		13.40 «Кино: Титаник».	14.00 Д/ф «Разрушители мира».	20.40 Т/с «Холм одного дера».
19.05 «Даврининг Пойтахт».		13.45 «Кино: Титаник».	14.30 Т/с «Звездный корабль галактика».	20.50 Т/с «Моя прекрасная мама на СТС».
19.10 «Даврининг Пойтахт».		13.50 «Кино: Титаник».	15.00 Т/с «Крепкий орешек Джейн».	20.50 Т/с «Вся правда еде как оставаться молодым красивым».
19.15 «Даврининг Пойтахт».		13.55 «Кино: Титаник».	15.30 Т/с «Женщины и смерть».	20.50 Т/с «Бедная Настя».
19.20 «Даврининг Пойтахт».		13.55 «Кино: Титаник».	16.00 Т/с «Звезды и смерть».	21.00 Т/с «Весенний цвет».
19.25 «Даврининг Пойтахт».		14.00 «Даврининг Пойтахт».	16.30 Т/с «Охотники на монстров».	21.30 Т/с «Летопись Осириса».
19.30 «Даврин				

Довуда шидаати

Ҳамон инсонларни хавотирга солиб келади



Мьянмадаги түфон ана шундай кўриниш олган эди.



Самолётлар түfonга қарши

Ўтган йили түfonлар кўпгина мамлакатларга катта миқдорда иқтисодий зарар етказган эди. Кўп йиллардан бери олимлар ушбу табиат ҳодисасининг олдини олиш чорасини излашяяпти. Шулардан бири түfonни самолётлар ёрдамида тарқатиб юбориш технологиясидир. Чунки түfon ичидаги ҳаво оқими ташқи таъсирга нисбатан чидамсиз. Бу озгина таъсир ҳам түfonнинг ички структурасини ўзгартириб юбориш учун етарли эканлигини билдиради.

Керакли тўлқинни яратиш мақсадида олимлар самолётлардан фойдаланишин режалаштиришяяпти. Түfon кучини камайтириш учун тозлигидан бир ярим баробар тезроқ учувчи иккита F-4 қирувчи самолёти унинг «кўзи» атрофидан учиб ўтиши кифоя.



Катрина түfonи оқибатида минглаб одамлар бўшпанасиз қолди.



Оммавий ахборот воситаларида дунёning турили ҳудудларида, айниқса, Карип минтақасида юз берәётган кучли довул ва тўфонлар ҳакида ҳабарлар берилмоқда. Шу ўринда ушбу табиат ҳодисаси тўғрисида маълумот бериб ўтсан.

Шамол туришига босимлар ўртасидаги фарқ сабаб бўлади. Яъни, шамол юқори босимли минтақадан паст босимли минтақа томон ҳаракатланади. Босимлар ўртасидаги тафовут қанча юқори бўлса, шамол кучи шунча шиддатли бўлади. Дарвоке, шамол кучи Бофорт шкаласи бўйича ўлчанади. Ушбу шкаланинг юқорилаб бориш ҳолатини кўйидагича ифодалаш мумкин.

Айтайлик, дорга осилган кирларни зўрға қимирлатадиган эпкиннинг кучи 1-2 балл. Байрокни ёйиш кувватига эга шамол 3-4 балл бўлса, 5-6 балликда дараҳт япроқлари шитирлаб, байрок ҳилпираи бўшлади. 7-8 балликда эса дараҳтлар букилиб, қурук шоҳлар синади.

9-10 баллик шамол денгизда тўфон кўзғай олади ва дараҳт танасини синдиради. Тўфон вақтида шамолнинг тезлиги 20 метрдан ошиб кетади. Агар шамол кучи 11 баллдан юқори бўлса, ўта кучли тўfonга айланади. 12 баллда эса, довулга айланади. Довул уйларнинг томини ва машиналарни ағдариш кувватига эга.

Довул ҳар йили дунёning кўпгина мамлакатларига зиён келтиради, одамларнинг қурбон бўлишига олиб

келади. Энг ёмони, довул вақтида ҳаво айланма ҳаракат қила бошлади. Бундай гирдоб куруклиқда торнадо, денгизда эса тайфун деб аталади. Баъзан, у осмонга сув ва күмни кўтариб чиқади. Куюн шундан хосил бўлади. У кўчиб юради ва йўлида неки учраса барини вайрон қиласди.

Шундай кучли бўронлардан бири циклондир. Циклон ёмғир билан бирга эсадиган ва вайронагарчиликлар келтирувчи кучли шамол. У йўлида учраган уйлар томини кўчириб, дарахтларни таг-томири билан юлиб отади, экинларга тикланмас зарар етказади.

Циклоннинг марказида паст босимли жой бўлгани учун ҳам улкан ҳаво массаси унинг атрофида тезлик билан айланади. Метеорология станциялари циклон бир жойдан бошқа жойга кўчишини кузатиб боради, мукаррар ҳавфдан ҳаво ва денгиз кемаларини, унинг йўлидаги минтақаларда истиқомат қиласиган аҳолини огохлантириб туради.

Циклон юзлаб, ҳатто минглаб километрлик ҳудудларни қамраб олиши мумкин. Осиёда циклон тайфун, Антил оролларида ураган, Африка ва АҚШда эса торнадо деб аталади.

Хуллас, довулнинг турили ҳудудлардаги номи бир-биридан фарқ қиласа-да, унинг чексиз кудрати ҳавфли кўриниш касб этиши ҳақиқатdir.

Акмал ТОШЕВ тайёрлади

Бу йил машхур француз ёзувчи Жорж Сименоннинг таваллуд топганига 105 йил тўлди. Унинг каламига мансуб иккى юздан ортиқ роман юздан зиёд тилга таржима килинган. Ёзувчининг жаҳон бўйлаб доврук козонишига сабаб — унинг детектив-саргузашт жанрида сермаҳсул иход килишигина эмас эди. Аввало, чиккик одамга ёзтибор, конунбузарликларга олиб келган асл сабаблар, уларнинг ижтимоий илдизини фош эта билиш, асарларининг бош ҳаҳрамони комиссар Мегрэ томонидан мохирона аниқланган жиноятлар, ёркин образлар кўлумини яратни оркали жамиятга бахо бера олини — ана шуларнинг барни ёзувчи Жорж Сименоннинг адабиёт оламидаги мусвафакиятининг калити бўлди. Ёзувчи асарларининг ўлмас ва бетакор образи бўлумини полиция комиссари Жюль Мегрэ хакли равишда ҳар бора хонадонга дадил кириб келди. «Жюль Мегрэ неча ёшга кирди? Ҳозир биз ёзлон килаётган очеркка кўра, Мегрэ 107 ёшга чиккан бўларди», — деб ёзди 1991 йили биз кўйида ёзтиборингизга хавола этилаётган маколада. Лекин бу ўринда бир нарсани назардан кочирмаслик керак: асарларида машхур полиция комиссари образини яратган ёзувчи Жорж Сименон Мегрэнинг саргузаштлари ҳакидаги сўнгти китобига 1972 йилда нутка кўяди...

Камдан-кам ҳолларда адабий персонаж Жорж Сименон ҳаҳрамони сингари китобхонда ҳақиқий ҳаётий ишонч түгдира олади. Шундайки, Мегрэ образини яратган ёзувчи оламдан ўтган ҳам ушбу персонаж, унинг тақдиди хусусида турфа воеалар, ақл бовар қўлмас ажаб ҳикоялар пайдо бўлади. Ҳақиқатан комиссар Мегрэ тақдидига узоқ умр кўриш битилган экан: шу кунга қадар бу образ қайта-қайта нашрларда, қатор кинофильмларда яшаб келмокда. Франциядан то Японияга қадар комиссар Мегрэ саргузаштлари битилган китоблар ўқилмоқда, фильмлар томоша қилинмоқда, адолатнинг разолат устидан мангу ғалабаси мадҳ этилмоқда.

Ёзувчи Жорж Сименон номи, машхур комиссар Мегрэ образи ўзбек китобхонига ҳам нотаниш эмас. Ўйлайизки, машхур адабий персонаж ҳақидаги маълумотлар, адабий образ умри ҳақидаги марокли фикрлар ўзбек детектив-саргузашт жанри муҳлисларини ҳам бефарқ қолдирмайди (Оресте дел Буано, «Панорама» газетаси, Милан).

Жорж Сименон 1903 йили Леж шаҳрида туғилади ва Лозанна шаҳрида (Бельгия) оламдан ўтади. Жюль Мегрэ эса ёзувчидан кўра кўпроқ умр кўради. Жаноб Мегрэ 1929 йилда дунёга келди. Ҳар холда ушбу образни яратган, ортиқ Мегрэ саргузаштлари ҳақида ёзмай қўйган адаб ўз ҳаҳрамонига йўллаган мактубида шундай кайд этади: «Қадрли Мегрэ, эҳтимол мендан мактуб олиб, таажубланарсиз. Ахир сиз билан айриганимизга ҳам салкам етти йил бўлибди. Мана шу йил сиз билан танишганимизга ҳам эллик йил бўлади. Ўшанда сизнинг ёшиниз таҳминан 45 ларда эди: Мен эса 25 ёшларда эдим. Сўнгти учрашувимизда сиз 53 ёшга чиккан эдингиз. Негаки полиция хизмата бир мафтункор япон аёл мадам

ти, жумладан, бош комиссар бўлиб ишлаш учун 55 ёш сўнгги чегара ҳисобланади-да. Ҳозир сиз неча ёшга чикдингиз? Мен найранг ишлатиши, пайтдан фойдаланибман. Барча қазоси мукаррар инсонлар сингари мен ҳам сиздан тезрок қаридим: Ҳозир ёшим 76 дан ўтди...».

Шундай қилиб, ҳозир Мегрэning ёши нечада? Агар у 1929 йилда 45 га чиккан бўлса, яна бунга орада ўтган 62 йилни кўшсак-чи? Бу ҳисобга кўра, Мегрэ 107 ёшга чиккан бўлди (1991 йил кайди). Агар унинг китобхонлар орасида машҳуриги, ноширлар муҳаббатини ҳам илова қиласидан бўлсак, комиссар Мегрэнинг яна узоқ умр кўришига шу-


Мегрэ ролини ўйнаганлиги, эри — комиссар Мегрэ эса япон эканлиги ҳам унга маълум...

Жорж Сименон дастлаб детектив-саргузашт жанрида ёзган, 1930 йилда «Файяр» нашриётида чоп этилган илк «Питер-Латиш» романидаёқ жиноятчиларни жойжойига ўтқазиб қўйиш, уларнинг хатти-харакатларини оқлашига ўрин қолдирмасликнинг удавасидан чиккан эди. Ёзувчи Сименон Мегрэ ҳақидаги биринчи романини яратгандан сўнг катта тезлик билан роман кетидан роман ёза бошлади. 1931 йилда «Жаноб Галленинг

бувижонлар...».

Нега ҳаёт, воқелик аслида бу манзарадан бутунлай фарқ килади? Модомики олам шундай яралган экан, болаларга аслида йўқ ва бўлмаган, бутун умр тасаввурларидағини ҳақиқий воқелик билан тақослайдиган хаёлий оламни сингдириш керакмикан?..

Мегрэ ҳаёт (гарчи ўзи менинг ҳеч қандай гояларим йўқ деб таъкидласа-да), болаларча рангли суратлардан иборат гўзлар дунёни воқеликка татбиқ этиш, мослаштириш имкони йўқлиги фожиасидан иборат эканлигини яхши англаш етади.



Ҳамиша на Вқирон Жюл Мегрэ

бҳа қолмайди. Адиб Сименоннинг ўзи ани шу жиҳатни юкорида қайд килинган, «Нуве иллюстре» газетасида чоп этилган мактубда ётироф этган эди: «Сиз ҳалиям Мёнгсюр-Луардаги қишлоқда қурилган ўйда яшаяпсизмийўқми, балиқ овига бориб турибизми, илгаригидай соябони кенг похол шляпа кийиб олиб, богингизда ишлапсизми; ҳамон илгаригидай мадам Мегрэ сиз севган таомларни пишириб бераятими, сиз ҳалиям қарта ўйнагани қишлоқдаги эрмакхона-бистротга бориб турибизми — менинг булардан хабарим йўқ. Мен меҳр ва ҳаяжон билан иккингизни — сиз билан мадам Мегрэни қучиб қоламан. Эҳтимол, мадам Мегрэ кўлгина аёлларнинг ўзига ҳавас қилишларига, кўп эрраклар эса худди унингдек хотини бўлиншин орзу қилишларига шубҳа қиласиди. Ҳатто телевидениеда бир мафтункор япон аёл мадам

вафоти», «Кўланка» баржасидаги ишшибши, «Мегрэ ва одам калласи» каби асарлари нашрдан чиқади.

Сименон жуда табиий ёзади. Ёзувчининг детектив асарлари устида гап кетганда, айнан уларнинг табиийлигини таъкидлаш жоиз. Мана, қаршингизда басавлат, оғзида трубка, оддий тамаки чекадиган, шароб ва мазали таомдан ўзини тия олмайдиган, соябони қаттиқ шляпа кийиб олган, ёқаси мўйнали палтода, қўлида ноқулай соябон, тагчарми резинли туфлидаги киши гавдаланади.

«У оламни болалар кўзи билан кўришни, ҳаётини болаларга аталган ранг-баранг суратли китоблардагида тасаввур этишини жуда истарди, — дейди Сименон Мегрэ ҳақида. — Ақли ота-оналар, уларни яхши кўрадиган болалар ҳамда меҳрибон, сочлари кумушдай оқарган бува-

Пул кетидан очқўзларча кувиши, муҳаббатнинг битмас-туганмас фам-аламлари, шафқатсиз жиноят олами — факат жиноятчилар учун эмас, барча учун умумий олам. Комиссар Мегрэ ўз текширув-суринширув ишлари вакти биргина жиноятчингина айбини аниқлаб бермайди. Кейин у адолатдан суд, адлия кўлига топшираётган жиноятчуни ўтакетган разил одам санамайди. Унинг учун айбордорни адлия кўлига топшириш иккичи дараҷали иш. Бу шу қадар иккичи дараҷалики, бу ҳол баъзида умуман юз бермайди. Муҳими, жиноятни, унинг сабабларини очиши.

Бу (Мегрэ образи) детектив жанрининг жуда кам учрайдиган, ноёб персонажларидан бўлиб, ўзининг борлигини сир саклаш кераклиги устида ўйлаб ҳам ўтирамайди. Гап, эҳтимол, буни охиригача билмаслик мумкин

эмаслигидадир. Мегрэ кўринишдан ювошина, бироқ фавқулодда меҳрибон ва ниҳоятда бардошли аёлга ўйланади. Унинг хотини жуда пазандади, ажойиб бека. Умуман, бу аёл тартибсиз, пала-партиш ҳаёт кеширадиган, иш кунининг тайини йўқ, камгап, кўпинча кайфиятсиз, тунд, тажанг юрадиган, дунёда ишидан (яни жиноятчани излаб топишдан) бўлак ҳеч нима қизиқтирилмайдиган, бетиним трубка чекадиган, бирор жумбонки еча олмаган пайтлари янада жиззаки, баджаҳл бўлиб кетадиган Мегрэ учун рисоладаги умр йўлдоши эди. Бечора мадам Мегрэ! Сименоннинг бизга ҳикоя қилиб беришича, мадам Мегрэ эндиғина турмушга чиккан маҳаллари бир гапириб, ўн куладиган хушчакча жувон бўлган. Орадан йиллар ўтади, энди у ҳаётга бениҳоя оқилона нигоҳ ташлайдиган, фақат жилмайб турладиган сабрли, вазмин аёлга айланади. Худди мана шу жихат мадам Мегрэ образининг асосий чизгиларидан бири ҳисобланади.

Фарзанд кўрмаган бу аёл бутун меҳр-муҳаббатини эрига баҳш этади. Мадам Мегрэ куннинг истаган пайтида, кок ярим тунми, эрини сабр билан мижҳа қоқмай кутиб ўтиради, унга ғамхўрлик килади. Шуниси қизиқки, бу аёл бирон марта бўлсин, бу меҳнатларини миннат қиласиди. Агар Мегрэ холи қолиб ишламоқчи бўлса, унинг бутун ётиборини жамлаб, фикрлаши учун халақиёт қиласиди, бир бурчакда жимгина ўтиради ёки умуман гойиб бўлади. У эрига оқила аёлларга хос ўта зийраклик билан ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда, мадам Мегрэ ёзувчининг орзуидаги аёл, ҳақиқий умр йўлдоши тимсоли.

Комиссар Мегрэни бу аёлсиз тўлақонли тасаввур этиши кийин. Баъзан биз мадам Мегрэ юрадиги гапларни тўкиб-солиншини истаб қоламиз. Мегрэ ўз фоиз самимий, унинг хотини эса қисман... Ахир Мегрэдай мураккаб табиатли одам билан яашнинг ўзи бўладими?..

Сименон Мегрэга ҳатто ўзига ҳам, аёллар бобида устаси фаранг Дон Жуанга ҳам уратиш насиб этмаган ажойиб, вафодор аёлни тортиқ этади. Муаллиф комиссар Мегрэнинг ижобий хисплатларини ётироф этган ҳолда, уни оиласда тинчник осойишталик билан сийлади. Биз эса эр-хотин Мегрэлар балки юз ёшга кириб, бахти бўлиб, кўша қаришларини тилаб қоламиз. Баъзизда узоқ умр кечириш жонга тегса-да...

Маъсума АХМЕДОВА
тайёрлади

Ориф ФАРМОН

Инсценировка

(Боши аввалги сонда).

Айланувчанинг бошидаги жароҳатта қараганди, у ҳақиқатан ҳам хушини йўқоттани эҳтимолдан йироқ эмас...

Адвокат гулоҳ қидириш учун воқеа юз берган уйга йўл олди. Каранги, квартирама-квартира суриштириб гулоҳни топди. У қўшини квартирани тъмирлаштган уста эди.

— Мен қўшини квартирада иккита аёлнинг жанжаллаштган овозини эшигдим, — жавоб берди уста адвокатнинг саволига. — Жуда қаттиқ бакириб-қаркириди. Кейин қандайдир эркак қўшилди. «Нима қилиб қўйдинг, Каромат?», — деди у. Аёл йиглганча нималардир деб вагифлади...

— Ҳа-ҳа, давом этинг! — хитоб қилиди ҳаљонланниб кетган адвокат. — Яна нималарни эшигдингиз?

— Ваннага қаттиқ шовуллаб сув оқди. Мен чеккани балконга чиқдим. Энди қайтиб кирмоқчи эдим, пастда машина келиб тўхтади. Ундан бир

эркак билан аёл тушди.

— Соат нечи эди?

— Еттилардан кейин... Улар подъездга киришиди.

— Аёлнинг кўриниши қанака эди?

— Қора рўмол ўраб олган, катта қора кўзойнек такаанди.

— Башка ҳеч ким кириб чиқмадими?

— Йўқ, кўрмадим, — деди уста кўлидаги шпателни таҳтаси билан кириб тозаларкан.

— Раҳмат.

— Демак, таксичи киргунча ичкарида бошқа одам бўлган. Ким у? Албатта, Аббор-да, — ўйлади Шавкат. Устанинг кўрсатмаси унга қаттияят багишлаганди.

— Аббор, Каромат ва мархум қандайдир одамлар узи, муносабатлари қанака бўлган? Мана шу

саволларга жавоб топиш учун Санобарнинг ишхонаси борди ва яқин дугонаси — офис-менежери Зумрад билан гаплашди. Дугонасининг ўлимни унга қаттиқ таъсир қиласиган эди, кўзига ёш олди.

Детектив

— Биз қалин ўтқоқ эдик, — деди у бўтилиб. — Уч йил бўлди танишганимизга, лекин бир-бизимиз умрбод биладигандай эдик. Кўнглида кири йўқ кири эди. Бирорга ёмонлик қилиши мумкин эмас...

— Каромат билан муносабати қандай эди? — сўради адвокат.

— Жуда ёмон, расво. Каромат мингтаси билан юрган. Ўйга эркак бошлаб бориши Санобарга ёкмасди. Санобар унинг бир жазманига кимлигини айтберибди. Жазмани Кароматни ташлаб кетди. Бунга Санобар айбор эмисш. Ўё у турмуш курмокни бўлган экан. Жазманининг ўзи суринтирган, Санобар тўғрисини айтганда. Ёлғон гапирига олмасди бечора.

— Аббор деган йигитни танийсизми? — Бир-икки кўрганман, Кароматга илакишиб юрадигандардан.

Тергайдиган ота-онаси узоқда, ў



Наң қилишларича, буржга мувофиқ танланган тақинчок ва қимматбаҳо тошлар кишига хүш кайфият, тетиклик баҳш этади. Күйидә эътиборингизга ҳавола этиладиган маълумотлар орқали ҳаётингизда қайси тош майян таъсирга эга эканини билиб оласиз.

Кўй буржининг омад келтирувчи тошлари олмос, кирмизи ёкун хисобланади. Олмос одамга куч-куват, жўшқинлик, ишонч бағишлайди. Оддий ҳалқ ўртасида олмос тақсан кишининг иши юришади, у ёмон кўзлардан химоя қилади, деган гаплар юради. Яна олмос кўзли тақинчок тақиб ухлаган киши ёмон туш кўрмас эмиш. Ёкун эса қон кетишини тўхтатиш, тозалаш, юқумли касалликлар микробларини даф килиш хусусиятига эга.

Сигир бурждагиларга мовий тусдаги тошлар: феруза ва сапфир яхшилик келтиради. Феруза юрак хасталигининг олдини олади. У — садоқат рамзи, шунингдек, оиласда учраши мумкин бўлган келишмовчиликларни бартараф этиб, тутувлини карор топтиради, деган карашлар мавжуд. Кумушга ўрнатилган феруза ўйқусизлик ёки босинқирашдан жафо чекувчи инсонларга ёрдам бериб, сариқ касаллигига шифо бўлар экан.

Сапфир эса камтаринлик, беѓуборлик ва ишонч тимсолидир. Бу ўш кайфиятни кўтаради. Астма, асаб ва юрак хасталикларидан азият чекаётганлар учун бу тошдан яхшироқ малҳам бўлмас экан.

«Эгизаклар»га хос тошлар сифатида ақиқ, берилл ва хризопраз келтирилади. Берилл азалдан кишига хүш кайфият баҳш этиши билан машхур. Хризопрезин эса тадбиркорлар тумор сифатида кадрлайдилар. Ўзига хос жило ва рангга эга ақиқ ёмон кўздан, ножӯя иш ва кўнгилсизликлардан асрар, кўзни кувватлантитади. Ақиқдан ясалган маржонни тақиб юриш сурункали йўтал, томоқ ва тиш оғригини тўхтатади.

Қисқичбақа буржи вакиллари учун зумрад ва дурга тенг келадигани йўқ. Айниқса, зумрад кони фойда. Мазкур тош ёмон туш кўришдан, юрак хасталикларидан асрарди, кучли депрессия ҳамда

инсонлар турли даврларда қимматбаҳо тошлар, буюларнинг сирли қудрати мавжуд деган ақида га ишониб келишган. Кейинчалик илм-фан табиатдаги айрим унсурлар, хусусан, тошларнинг инсон соғлигига таъсирин борлигини исботлади. Жумладан, Тибет табиблари қаҳрабодан организмдаги моддалар алмашинувини бир меъёрга кептириш, жигар хасталикларини даволашда фойдаланишган. Замондошларимизни ҳам тошларнинг саломатликка қандай таъсир кўрсатиши қизиқтириши, табиий.

ишонгандар. Шунингдек, аквамарин асабни тинчлантириш хусусиятига ҳам эга. Маржонларнинг эса хотирани мустаҳкамлаш, ички яраларни тузатиш ҳамда гепатитдан химоялаш каби хусусиятилари алоҳида қайд этлади.

«Ўқотар»лар учун топаз, хризолит ва аметист тошлари фойдали. Топаз ва хризолитга хос хислатлар юқорида келтириб ўтилди. Аметист спорт ва овда муваффакият гарови хисобланади. Бу тош хотиржамлик ва омад рамзи. Ўқотарларга яшил тошидан қилинган буюларни ишлатиш тавсия этилмайди.

Тоғ эчкиси. Улар қирмизи ёкун, тўқ рангдаги онекс ва яшил тошни ардоқлайдилар. Қирмизи ёкуга муҳаббатда саодатга эришиш қалити сифатида қаралади. У камконлик, ўйқусизлик ва умуртқа касалликларининг олдини олишда аскотади. Юқорида унинг бошқа хислатлари ҳам айтиб ўтилди. Тўқ рангдаги онекс ўз эгасида бошқарувга бўлган майлни кучайтиради. Шунингдек, хотирани мустаҳкамлашда фойда беради.

Қовға буржи соҳибларига циркон ва ёкун тегишли. Шарқда «олмоснинг иниси» деб қараладиган циркон ақлий фаолиятни яхшилади. Айниқса, саёҳатчилар томонидан жуда қадрланаади. Қадимдан бу тош йўлларда учрайдиган ҳар қандай фалокатдан, ваҳший ҳайвонлар ҳужумидан асрарига ишонишган.

«Балиқларга марварид ва аметист омад келтиради. Хиндистон қирғоқларидаги оч пушти, Мексика кўрфазидаги қора, Шри-Ланка соҳилларидаги сариқ ва кумушранг, Австралиядаги оқ, Калифорния кўрфазидаги қизғиши, Япон денгизидаги тўқ яшил марваридлар бу бурж соҳиблари учун айрича қимматга эга. Марварид кўзга нур бағишилди, жавобсиз ишқ азоби ва ёмон назардан асрайди. Мазкур тош кадалган узук соҳибини баҳтисиз тасодифлардан химоя қиларни. Шунингдек, иситами туширишда, юқумли касалликларининг олдини олишда, бўйрак хасталикларида, ўйқусизликда фойдали. Наң қилишларича, марварид ранги «хўжайини» вафотидан сунг хирадлашиб қолади.

Жамшид НИЁЗОВ



Мутахассисларнинг фикрига қараганда, биз иш кунижининг бор-йўғи 20 фойзини унумли ўтказамиш. Қолган вактимиз эса асосан бекор ўтиб кетади. Аммо кун тартибини тўғри ташкил қила олсангиз, иш унумингиз анча яхшиланиши мумкин экан. Кўйидә биз кўпроқ нарсага ултуриш мақсадида йўл кўядиган баъзи хатолар ҳакида тұхтаби ўтамиш.

1. Тушлик вақтида ҳам бирор ишларни қилиб олишга харакат қиласиз.

Лекин бунинг нотўғри эканлигини мутахассислар ҳам исботлашган. Сабаби — соат 14.00 дан 15.00 гача бўлган вақт давомида бизнинг жисмоний ҳамда ақлий фаолиятимиз нолга тенг бўлади.

2. Иш кунини узайтириша харакат қиласиз.

Меъридан кўп вақт мобайнида ишлашнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқdir. 8 соатлик иш кунидан сўнг меҳнат унуми камайса камаядиди, аммо ошмайди. Чарчоқ кўпроқ хатога йўл кўйишимизга олиб келади, бу эса иш сифатини пасайтиради.

3. Ўга бирор ишни олиб борасиз.

Бу хусусиятингиз билан авваламбор ўзингизни дам олишдан маҳрум қилиб, охир-оқибатда бор кучингиздан айрilsангиз, иккинчидан, шахсий ҳаётингизга ҳам зарар етказасиз.

4. Мехнат таътилидан ўз ихтиёргиз билан воз кечасиз.

Ҳар бир организм маълум вақт давомида дам олиши зарур. Агар уни бу хордикдан маҳрум этсангиз, унда профессионал ютукларни ҳам кутманг. Шундай экан, юқорида ўзингиз билиб-бильмай йўл кўядиган баъзи холатлардан воз кечсангиз, иш вақtingизни унумли ўтказишига эришган бўласиз.

Энди кўйидә келтирилган тест орқали вақtingизни чиндан ҳам одилона тақсимлай оляпсизми деган саволга жавоб топишга уриниб кўринг.

Саволларга жавоб сифатида «ҳа», «баъзан», «йўқ» сўзларидан бирини танланг.

1. Бўш вақtingизни одамлар (масалан, танишувлар, дўстлар, ҳамкаслар)га сарфлайсизми?

2. «Олди-қочди» адабиётлар (фантастика, комедия, саргузаш) ўқийсизми?

3. Жиддий асарлар ўқийсизми?

4. Ўда касб-корингизга боғлиқ иш билан шуғулланасизми?

5. Ўи ишлари, кундалик майший юмушлар билан шуғулланасизми?

6. Бутун бўш вақtingизни эгаллайдиган хоббингиз борми?

7. Шахсий ҳаловатингиз учун якка тартибда спорт билан шуғулланасизми?

8. Бўш вақtingизни кўшимча даромад келтириш мумкин бўлган ишларга сарфлайсизми?

9. Кино, театр, концерт, музейларга борасизми?

10. Ресторан, кафе, базмларда бўласизми?

11. Жамоат ишлари билан шуғулланасизми?

12. Телевизор олдида ўтириши ҳаши кўрасизми?

Энди натижалар билан танишинг.

Аввал 6 та тоқ сонларнинг жавоблари йигиндини жамланг.

НАТИЖАЛАР:

«Ҳа» деган жавоб учун очко кўйилмайди,

«Баъзан» деган жавоб 1 очко,

«Хеч качон» 2 очкага тенг.

0-5 очко — сиз ҳаётда қатъий максадга эга бўлган, тўғри йўл танлаган инсонсиз. Ҳаётни қизиқарли, марокли ўтказиши борасида тўлик тасаввурга эгасиз.

6-9 очко — сизнинг ҳаётдаги талабларингиз бироз сутстрок, кўпинча бошлаган ишларнингни ниҳоясига етказа олмай қоласиз.

10-12 очко — сиз ҳаётга юзаки муносабатда бўласиз, бўш вактдан ёмон фойдаланасиз, кўп зерикасиз, атрофдагиларнинг маслаҳатларини оғриниш билан қабул қиласиз. Одатларнингизни ўзгашиб каратади.

Ўзингиз ҳақингизда кўшимча маълумот олиш учун бу жуфт сонли саволлар жавобини хисоблаб чиқинг.

0-5 очко — ўйин-кулгуга ҳуда берилгансиз, бўш вакtingизни бехуда нарсаларга сарфлайсиз.

6-9 очко — жуда меҳнатсевар одамсиз, аммо анча одамовисиз, бўш вақtingизни севимли ишларнингни билан ёлғиз шуғулланишга сарфлайсиз.

10-12 очко — сизнинг бутун эътиборингиз вакtingизни қатъий ҳаётий дастур асосида ўтказишга каратилган. Аммо бошқа юмушлар учун ҳам вақт топа оласиз.

Профессионал бокс томошаболиғи билан спорт турлари орасида ўз ўрнига эга. Бунда юртимиздан етишиб чиқкан чарм кўлкоп усталарининг ҳам муносиб хиссаси бор. Муаммолар ҳам йўқ эмас. Шулар ҳакида Ўзбекистон профи-бокс федерацияси вице-президенти Дониёр Эргашев билан сұхбатлашдик.



РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ ЗАРУР

— Дониёр ака, профи-бокс бўйича жанглар ташкил этишда промоутерларнинг машқатли меҳнати, шунингдек, мутахассисларимизнинг халқаро тажрибаси ва маҳоратини ошириш йўлида федерация томонидан амалга оширилаётган ишларга тўхтабиб ўтсангиз...

— Олти нафар ҳамюртимиз промоутерлик лицензиясига эга бўлиб, улардан Акмал Асланов, Омон Раҳимов, Шуҳрат Хайдаров жанглар ўюнтиришда бошқалардан ажралиб туришади. Мутахассисларимиз малакасини ошириш масаласига келсак, халқаро мақомдаги професионал мусобақалар олдидан ҳакамлар ва мураббийлар учун семинарлар ташкил этилади. Турли мавзууларда савол-жавоблар бўлиб ўтади.

— 2008 йилнинг август ойида «Туркистон» ёзги саройида Узбекистон чемпионлиги учун жанг ташкил этилиб, унда «Биллур» професионал бокс клуби аъзоси Беҳзод Набиев Максуд Жумаев устидан ғалаба қозонди. Бу каби титул жангларини теззет ўюнтириш мумкини?

— Агар промоутерлар чемпионлик камарига муносиб жангчиларни топиб, баҳс ўюнтироқчи бўлса, ўз такиғларини ёзма равишда федерацияга билдиради. Биз буни жуда кисқа фурсатда ўрганиб чиқиб, жуфтликдаги боксчиларнинг лицензияси бор-йўклигини, тиббий мальумотларини, охирги жангни қаерда ва қандай натижага билан ўтказганини таҳлил қиласиз. Демак, чемпионлик камари жанглари ўтказиш промоутерларнинг ташаббусига боғлиқ.

— Чемпионлик жанглари Федерация маблағлари томонидан ҳам ташкил этиладими?

— Ҳа, имкониятига қараб федерация ҳам жанг ташкилотчиси бўлиши мумкин.

— Матчмекерлар ва промоутерлар жанг ўюнтириш олдидан рақибларни ўрганиши учун боксчиларимизнинг рейтинг жадвали

ишлиб чиқилгани?

— Бугунги кунда бир қатор чарм кўлкоп усталаримиз РАВА, WBC ва WBO йўналишларида ўз рейтинг очкаларига эга. Бироқ вазн тоифалари

турли версиялар конвенцияларида қатнашиб, малака ошириш талаб этилади. Саккиз йил давомида турли анжуманларда қатнашиб, WBC ва РАВА йўналишлари бўйича супервайзерлик қилиш хуқуқини кўлга киритдим. Шунингдек, юртимизда Набиён Исманов ва Равил Губанов ҳам тажрибали ҳакамлардан ҳисобланади...

жанг олиб бораётган боксчилар маҳоратидаги тафовут бир-биридан катта фарқ килишини кўрдик...

— Албатта, рейтинг жангларини ўюнтиришдан кўзланган бош мақсад ҳам ўзбек боксининг ривожига, боксчиларнинг маҳоратини ошишига хисса кўшидан иборатdir.

Аммо таъкидлаганингиздек, барча жангларда ҳам қизиқарли учрашувларни гувоҳи бўлмадик. Бу клублар менежер ва мураббийларининг рақиб имкониятини тўлиқ ўрганмасдан, улар ҳакида етарлича маълумотга эга бўлмасдан мусобақага келганини кўрсатди. Қолаверса, бавзи боксчиларнинг жисмоний тайёргарликка жиддий эътибор бермагани намоён бўлди.

Биласиз, «All boxing. ru»

федерациясидан, ҳамкасб дўстларимиздан ахборот оламиз. Машғулотларда жанг жиддий тайёргарлик кўришга ҳаракат қиласиз.

— «Жар»да шогирдингиз Жасур Аҳмадбеков «Ринг» клуби аъзоси Бобур Бешимовни дастлабки раундда мағлуб этган бўлса-да, Александр Терновенко шу таҳлитда Азамат Маткаримовга бой берди. Нима, Сашанинг тайёргарлиги жойиди эмасми?

— Бобур клубимизнинг биринчи рақамли боксчиси. Ундан умидимиз катта. Александрга келсак, у ўзининг дебют жангидан сингани учун баҳсни эрта тўхтатдик. Аммо Терновенко ҳали ёш ва унинг натижалари олдинда.

Профии-бокс:

ЮНК ВА МУАММОЛАР

САХСОНГА ИИГИРМА ФОИЗ

Професионал бокс промоутерлари сафига қўшилган Омон Раҳимов спортга бегона эмас. У 1995-96 йилларда «Пахтакор» мактабида Павел Шагенович кўл остида футбол машғулотларига қатнади. 1998 йилда «Биллур» бокс ва кикбоксинг клубида мураббий Руслан Даҳоновдан яккаураш сирларини ўрганди. Кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Олмос Юсуповга хавас қилди. Бироқ оиласи шароитига кўра, спортдан кетишига мажбур бўлди...

2008 йилдан эса у яна спортга, аникроғи, профи-боксга қайтишга қарор қилди, фақат бу сафар промоутер бўлиб. Август ойида «Туркистон» саройида, яқинда «Жар» спорт мажмуасида ўтган рейтинг жангларидаги «супервайзер»-лик, яъни бош ҳакамлик қилмоқдасиз. Ўзбекистонда профи-бокс жангларига супервайзерлик қилишга яна кимларнинг хуқуки бор?

— Супервайзер бўлиш учун бир неча маротаба халқаро семинарларда, «Жар»да «Биллур» професионал бокс клуби аъзоси Жасур Алихонов фарғоналик Абдуманноп Кўчкоровни, Азамат Маткаримов «Локомотив» ПБК аъзоси Александр Терновенони, Бахтиёр Зокиров «Динамо» ПБК боксчиси Рустам Эргашевни, Носир Рӯзиматов Шерзод Абдусатторовни («Ринг») муддатидан олдин мағлубиятга учратди. Бундан ташқари, Баҳром Паязов қозогистонлик Юрий Жарковни биринчи раундда ёк нокаутга учратди. Бундайин хотенг жанглар ҳатто 6-8 раунд ўтиши белгиланган — ҳамюртимиз Равшан Худойназаров ва чимкентлик Денис Джуманов, Аваз Акрамов ва Расул Мамаюсов (Марғилон), Олим Назаров ҳамда Нодир Исройлов баҳсида ҳам кузатилди.

Мазкур ҳолатларда

сайтига кириб, дунё мамлакатлари боксчилари ҳакида, уларнинг нечта жанг ўтказгани, нечта жангни ютгани-ю, ютказгани, нокаутлари, ҳозир неча раунд жанг ўтказа олиши, машғулотлари видеөёзуви, хуллас, ўзингиз истаган маълумотни олишга мусвафак бўласиз. Юртимизда янги очилаётган бокс клублари мураббийлари ҳам ўз шогирдлари ҳакида батафсил маълумотларни Федерацияга тақдим этиши ва промоутерлар буни чукур ўрганиб чиқиб, кейин жангда қатнашадиган жуфтликларни тасдиқлашлари лозим. Шундагина бир-бирига мос бўлмаган турли даражадаги боксчиларнинг жангига камрок гувоҳ бўлмазис.

Жанглар ўтказяпмиз, янги клублар очиляпти. Бироқ таҳлил қилганда, 20 фоиз яхши ишлаган бўлсак, 80 фоиз ишларимиз чалалиги кўриниб қолди. Демак, камчиликлар кўп. Мураббий ва менёжерлар, промоутерлар чет эл мутахассисларидан ўрганмоги ҳамда улардан ҳеч кам бўлмаган мутахассисга айланиши зарур.

БИЗ ҚУВИБ ЎТАМИЗ

Навбатдаги қаҳрамонимиз Наталья Коломина, «Локомотив» професионал бокс клуби промоутери.

Коломина универсал жанг бўйича Осиё чемпиони бўлишга эришган. Иккى йилдан бўён «профи-бокс» оламида. Шогирдларини жангга тайёрлайди. Ҳатто бир бор, 2008 йилнинг май ойида рейтинг жанглари ўюнтиришга ҳам мусвафак бўлди.

Ундан спортчилари рақибларини ўрганишда қандай омилларга эътибор қаратишни сўрадик.

— Дастан, ҳаваскор бокс федерациясидаги мутахассислардан рақибимиз «ҳаваскор»да қандай натижалар қайд этгани, устози кимлиги ва шу ҳақдаги мальумотларни йиғамиз. Сўнгра Ўзбекистон професионал бокс



— Профи-бокс оламида қайси мутахассислар билан ҳамкорлик қиласиз?

— Қозогистонлик Эрик Жайлаов, «Биллур» клуби мураббийи Руслан Даҳоновдан кўп нарсани ўрганаман.

«Локомотив» професионал бокс клубида иш бошлаганимга эндиғина иккى йил бўлди. Руслан Даҳонов эса қарийб ўн йилдан бўён «профи»да. Бироқ клубимиз ҳали оёққа туриб олади ва биз етакчи клубларни қувиб ўтамиз.

Професионал бокс бўйича бир неча бор жаҳон чемпиони бўлган ҳамюртимиз Артур Григоряннинг «Локомотив»дан чиққанидан хабардорсиз. Ниятимиз, Артурга муносиб издошлар, чемпионлар тарбиялаш. Ўзим рингда жангни тезкор олиб борардим. Шунинг учун шогирдларимдан ҳам шуни талаб қиласман: Бошла, ур ва йикит. Ёқтирган боксчим — Майк Тайсон...

Фурсатдан фойдаланиб, машгулот ва мусобақалаrimиз учун шароит яратиб берадётган «Локомотив» марказий жисмоний тарбия ва спорт клуби директори Маликахон Сайдхўжаевага миннатдорчилик билдираман. Боксга ихтинослашган «Локомотив» болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийлари ҳам биздан ўз кўмагини аямайтганлигидан хурсандман.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбари



Европада газ муаммоси

Бугун Россиянинг «Газпром» компанияси вакиллари Брюсселда Европага газ етказиб бериш бўйича Еврокомиссия ва Европарламент билан музокара ўтказиши режалаштирган. Бу ҳақда Сешанба куни бош вазир Владимир Путин билан бўлган ушрашувда компания раҳбари Алексей Миллер маълум қилди.

Янги шартнома тузилмаганинги боис «Газпром» 2009 йил 1 январдан Украина газ беришни тұхтатган эди. Украина эса мамлакат худуди орқали Европага етказиб бериладиган газдан фойдаланиши бошлаган. 6 январда Россия Федерал божхона хизматининг кўрсатмаси бўйича «Газпром» газ транзити ҳажмини украинлар фойдаланган газ миқдорида камайтириди. Ўша куни кечқурун китъадаги кўпгина давлатлар Россиядан келаётган газ тұхтаганини, айримлари эса камайганини маълум қилишиди.



Важ асослими?

Иқтисодий қийинчиликлар туфайли Эстонияда қонунларни рус тилига таржима қилиш ишлари тұхтатилди. Шу тариқа мамлакат ахолисининг деярли 400 минг нафари маҳаллий хукуқий хужжатлар билан она тилемда танишиш имкониятидан маҳрум бўлди.

Адлия вазириларидан маълум қилишларича, ҳозир эстон қонунлари фақат инглиз тилига таржима қилинаяпти. Евроиттифоқ ва бир қатор халқаро ташкилотлар эса анча вақтдан бўён Эстониянинг рус тилемда сўзлашувчи ахолига нисбатан юритаётган сиёсатини танқид қилиб келади.

Айтиш жоизки, 2008 йилнинг учинчи чорагида Эстония ялпички маҳсулоти 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан 3,3 фоиз камайган.




Голландия тарихида илк бор...

«France Presse» агентлиги тарқатган хабарга кўра, Голландия тарихида биринчи марта муҳожир шаҳар ҳокими бўлган. Асли мароқашлик бўлган Аҳмад Абутолиб душмана куни қасамёд қилиб, расман Роттердам шаҳри ҳокими вазифасини бажаришга киришган.

Янги ҳоким 1961 йили Марокашда туғилган, 14 ёшида Голландияга кўчиб келган. Журналистлик қилган, сўнг Амстердам шаҳар кенгашида ишлаган. Кейинроқ ҳукуматда ижтимоий масалалар бўйича котиб лавозимини эгаллаган.

У Голландия – меҳнат партиясининг аъзоси хисобланади.

Кузатувчиларнинг қайд этишича, Абутолиб мамлакатнинг мусулмон ахолиси орасида анча машур.



Украиналик судя қидирилмоқда

Украина ички ишлар вазири Юрий Луценконинг «Высокий замок» (Лвов) газетасига берган интервюсида айтишича, Лвов апелляцион маъмурйи судининг собик раиси Игор Зваричга нисбатан халқаро қидирив эълон қилинган.



Мамлакат ҳуқук-тартибот органдари Зварични 100 минг доллар миқдорида пора олганликда айбламоқда. 2008 йил 3 декабр куни у ва ҳамкасларининг ҳизмат хоналари ва уйларида тинтуб ўтказилгандан сўнг Зварич касалхонага тушган эди. 12 декабря у ўйқолиб қолган.



Порнографияга Хитойда жой йўқ

Хитойда интернетда ножӯя ахборот, жумладан, порнографик материаллар тарқатилишига қарши курашиш бўйича навбатдаги компания бошланди. «China Daily» нашрининг хабар беришича, «кора рўйхат»га мамлакатдаги асосий қидирив ҳизмати — «Baidu», шунингдек, «Google», жами 19 та сайт киритилган. Уларга нисбатан қатъий чоралар қўрилиши кутилаяпти.

Умуман олганда, интернетнинг Хитой секторида цензура қаттиқўллиги билан ажраби туради. Бунинг исботи сифатида Хитой аҳолиси 2008 йилнинг декабридан бошлаб BBC, «Voice of America», «Asiaweek» сайтларига кириш имкониятидан маҳрум қилинганини айтиш жоиз.



Кисқа сатрларда



Беларус президенти Александр Лукашенко «ИИВ ходимларига ер участкалари беришда қонунларга риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш чораларини кўрмаганинги учун» ички ишлар вазири ва Давлат мулки кўмитаси раисига ҳайфсан эълон қилди. ***



Шимолий Корея матбуотида анча вақтдан бери оммага кўринмаган давлат бошлиги Ким Чен Ирнинг Кангвон провинциясида қурилаётган ГЭСга ҳамда ёш оила-нинг уйига ташрифи акс этган фотосуратлари эълон қилинди.



Германиянинг Блауборрен шаҳри яқинидаги темирйўлдан 74 ёшли немис миллиардери Адолф Меркленинг жасади топилди. Иқтисодий инқироз туфайли ўтган йилнинг кузидага бойлигидан маҳрум бўлган Меркле ўз жонига қасд қилган деб тахмин қилинаяпти.




Денгиз қароқчиларига қарши курашиш учун Хитойнинг учта ҳарбий кемаси Адан кўрфазига қираётган бир пайтда Нигерия қирғоклари яқинидага қароқчилар Франциянинг «Бурбон Леда» кемасини кўлга олишди.



Хиндистоннинг «Air India» авиакомпанияси ортиқча вазиға эгалиги учун 9 нафар стюардессани ишдан бўшатди. Энди жабрланувчилар мамлакат Олий судига шикоят қилишмоқчи.

Интернет хабарлари асосида Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади



СИЗДАН...

ИЗОХИ



Тишлар бари түкилди,
Сабабчи — сүяк каззоб.
Энди дұхтири олдига
Киришнинг ўзи азоб.

Ишхонага келгандым,
Епишиб қолдым бирдан.
Билсам ҳаммаёқ бүёк,
Килинган экан дилдан.

Шошмагин дейишида-да,
Эшикка оттим ўзим.
Бу эшик эмас экан,
Оддийгина бир расм.

Азизбек НОРОВ,
Қарши шахри

Ошхонада ажыб хид,
Билмам қайдан келади?
Агар бұлса газ ҳиди,
«Кеша» қайдан билади?

Тиззант узун мушуквой...
«Әзтибор ҳам бермайсиз.
Чорласам-да ёнімга,
Әх хұжайн, келмайсиз».

Ойнага қарамайман,
Мен барыбер хунукман.
Жойим билан ҳар доим,
Үддабурон мушукман,

Үзгартмайсан мушуквой
Қанчалик күп қарама.
Башаранг бұлса қийшик,
Ойнадан ўпкалама.

Асадулло
МИРЗААКБАРОВ,
«Хамкорбанк» ОАТБ
бирлашган
қасаба уюшмалари
құмитасининг раиси



Энди нағыбатдаги суратта
изох топинг-чи?

«Қаён қочтулы, бүлолмайман!»

Янги кийим харид қылғали
«Чилонзор» буюм бозорига
борған ўртосым авзойи бузил-
ғанча қайтди.

— Аның лўлиларни айтмай-
санми? Қаерда пулнинг, из-
диҳомнинг ҳидини олса, ўша
ерда ҳозири нозир. Бежиз бе-
маза қовуннинг уруғи кўп
бўлмас экан-да, — деди саво-
лимга жавобан!

— Нима бўлди ўзи? Мундок
очилиброк гапир!

— Автобусдан тушиб, бозор
дарвосасига яқинлашганини
билиман, бир-нечтаси атро-
фимни ўраб олса де! Тагин
одамга сўйалиб пул сўраша-
рига ўлайми?! Биттасига бер-
санг, қолганлари ҳоли-жонинг-
га қўймайди. Сал нарида бу-
ларнинг аёл уруғлари қопқон
қўйган экан. Гапларини қара:
«Хой, чиройли йигит, ке, ба-
хтиңдан очаман, келажагингдан
айтаман», «Хой, бачам, манга
қара, пешонангда ойдай сувлув
киз қўринопти, сал пулни аяма-
санг, тақдирларингни билиб
бераман...».

Ҳам куламан, ҳам ўга то-
ламан. Кулганим — табиатан
таъсиричан, тақвадорроқ
дўстиминг лўлилардан инсоф
кутиб гапиргани бўлса, таш-
вишланганим — ҳаётимизда
бундай ҳодисалар тобора
кўпроқ қўзга ташланаяпти.
Ачинарлиси, лўлилар фаоли-

ятининг турган-битгани алдов,
кўрқитиши, гипноздан иборат
бўлса-да, кўплаб юртдошлари-
миз ҳануз уларга ишонишиди.

Яхши эслайман: болалигим-
да уйимизга кунда-кунора
лўлилар садақа сўраб келишар
эди. Биз уларни мўлтони, жўги
деб атардик. Уйдагилар улар-
га пул-мул, кўпинча нон бе-
ришар, баъзан эҳсон учун ич-
каридан нарса олиб чиқишига
кириб кетишаётгандан бизга
улардан огоҳ бўлиб туришни
уқтиришар эди. Чунки қўни-
қўшиларнинг эътиборсизлиги
туфайли улар келиб-кетгача,
базъи буюмлар йўқолиб қол-
ганини бот-бот қайтиришарди.
Баъзан кичкина болалар гапга
кирмаса катталар: «Агар шун-
дай қиласверсанг, мўлтонига
бериб юбораман!», — деда
пўписа килишарди.

Шу гап қулоққа ўрнашиб
қолган эканини, 5 — 6-синф-
ларгача лўлиларни кўрганда
тумтарақай қочар эдик.

Уларнинг тили ҳам қандай-
дир ғалати эди. Кўп сўзлари
тожиқчага ўхшаш. Ен-атрофи-
мизда тохик оиласар истиком-
мат қилгани боис, улардан бу
ҳақда сўрадик. Айтишларича,
лўлилар (Ўзбекистон лўлила-
ри) ифода учун тохик тилини
танашибани рост. Фақат ўзаро
узвийлик ва ўзларининг ҳийла,
макрларини бошқаларга сез-



дирмаслик учун кўпинча
сўзларни бузиб, ўзгартириб,
хатто тескари талаффуз қили-
шар экан.

Лўлиларнинг Ўзбекистонга
қаердан ва қачон кириб кел-
ганилиги ҳақида тарихий маъ-
лумотлар анча кам. Баъзила-
рида зиддиятли қарашлар
кўзга ташланади. Аксар тад-
қиқотчилар лўлиларни
Туркистонга кўп асрлар мұ-
қаддам Ҳиндистондан келган
деб ҳисоблади. Бу фикрда
жон бордек. Юртимизнинг
кўпгина худудларида лўлилар
мўлтони деб юритилиши,
Мўлтон шахри эса ҳозирги
Покистонда жойлашгани ва
якин-яқингача Ҳиндистон ва
Покистон яхлит мамлакат
бўлганини ёдга олиш кифоя.

Бошига тарихчилар Фирдав-
сийнинг «Шоҳномаси»га асос-
ланиб қуидаги фикри ўрта-
ча ташлайдилар: асарда кел-

тирилишича, ҳинд рожаси Шан-
гул томонидан сосоний ҳукм-
дор Баҳром гўрга ҳада этилган
12 минг машшоқ, созанда, хо-
нанда ва раққослар ҳозир Эрон
ва Туркистонда яшовчи лўли-
ларга аждод ҳисобланади.


Лўлилар аждодларининг та-
рихий ватанларини тарк эти-
шига, кўпчилик тадқиқотчилар-
нинг фикрича, 10 — 11-аср-
ларда чест эл босқинчилари-
нинг бостириб кириши нати-
жасида Шимоли-ғарбий Ҳин-
дистонда рўй берган кескин
ўзгаришлар сабаб бўлган. Бос-
қин натижасида лўлилар аза-
лий касб-кори бўлмиш кўшиқ-
чилик, раққослик, мусиқачилик
билан шуғулланиша олишмай-
ди. Шу боис ўзга юртларга
бош олиб кетишиди.

Бу бир тахмин ҳолос. Бал-
ки бу ҳақда сиз биларсиз, азиз
газетхон?

ЖАМШИД

Бодомли пирог

Балки, асқотиб қолар...



Тухумнинг оқини
кўпиртириб, оз-оздан
шакар кўшиб кўпирти-
риши давом эттира-
миз. Сўнгра ун, вани-
лин, бодом солиб
ҳаммасини яхшилаб
аралаштирамиз.
Қолипни ёғлагач, пи-
ширишга кўямыз.
Бошка идишда шо-
кодлди газур тайёрлаймиз. Бунинг учун какао,
сут, шакарни аралаштириб оловга кўйилади ва
кайнар чиққунга қадар ковлаб турлилади. Сўнгра
совутилиб, тайёр бўлган пирог устига бир текис
суртамиз ва какос қириндисини сепамиз. Оппоқ
қорга ўшаб кетадиган бу пирог янги йил дастур-
хонининг кўрки бўлиши шубҳасиз.

Керакли масалликлар:

6 дона тухум, 1,5 стакан шакар, 1 ст.дан
ун ва бодом магзи, 5 кошиқ какао, 11 кошиқ
шакар, 1ст. сут, 50гр. сариёф, ванилин ва
какос қириндиси.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлаш-
маси кенгаси ва тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташки-
лотлари Бирлашма кенгаси ташкилий ишлар бўлими бош
мутахассиси В.А.Шултятниковага волида мұхтарамаси

ТАМАРА опанинг

вафоти муносабати билан чукур таъзия билдиради.

Фарона вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлаш-
маси кенгаси жамоаси, тармоқ вилоят кенгашлари ва Мар-
казий Кенгашларнинг вилоятдаги вакилларидан бирлашма
кенгашининг ходими Маҳамаджон Маматқодировга падари
бузруквори

ТУРҒУНБОЙ отанинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чукур таъ-
зия изхор этадилар.

Келинг, бир кулишайм...



Экскурсавод:
— Бу жуда машхур
карорат. Бунда Наполе-
он, Бальзак ва Гётельар
ётишган. Томошабин:
— Ажаб! Учаласи
бир кароватга қандай
сиккан экан-а?

Бошлиқ ҳузурига
котибаси билан хо-
димни ҷақирипти:

— Ойим қиз,
Шульц жаноблари
шикоят қилди — сиз
ишга ҳаддан ташқа-
ри калта юбкада ке-
лармишсиз. Мен
бунга чида бурол-
майман! Жаноб
Шульц, ишдан
бўшадингиз!

— Биз сўнгги бор кўришганимиздан бўён
яна иккى марта хотин қўйган эмишсан?
— На чора! Мен ҳар гал шунақа ажойиб аёл-
ларни танлайманки, бошқалар ҳам уларга уйла-
ниши истаб қолишади.

А.ДАМИНОВ тўплаган

Ishonch

Бош мұхаррир
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳир ҳайъати:

Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев
(Бош мұхаррир ўринбосари), Жаҳонғир Шарофбоеев
(масъул котиб), Мамура Адилова, Мирзоҳид
Содиков, Нормат Аллаёрөв, Носирхон Ақбаров,
Ойсулув Нафасова, Пиримкул Қодиров, Согиндиқ
Ниетуллаев, Шамси Эсонбоеев

Бизга кўнғироқ килинг:

Котибият: 256-52-78

Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот

агентлигига 0116-ракам билан

рўйхатта олинган.

IBM компьютерида териди ва

саҳифаланди. Оғсет усулида

босилди. Бичими А-3.

Ҳажми 4 босма табоб.

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Бизнинг манзил:

100165, Тошкент шаҳри,

«Бухоро» кўчаси, 24-йи.

Нашр кўрсаткичи:

133; 134

Газета хафтанинг сешанба,
пайшанба ва шанба
кунлари чиқади.

Муаллифлар фикри

тахририят нуқтаси назаридан

фарқланиши мумкин.

Нащимиздан кўчириб

босилганди «Ishonch»-дан

олингланлиги кўрсатилиши шарт.

Тикорат аҳамиятига молик

материаллар ① белгиси

остида чоп этилади.

Навбатчи котиб - Ж.Шароғбоев

Навбатчи - А.Абдиев

Мусаххис - Ш.Абдусамадов